

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

41-сон
(905)
2019 йил
14 октябрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

764. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги ПФ–5846-сон Фармони
765. «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ–5847-сон Фармони
766. «Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислохотлар устидан жамоатчилик назорати самарадорлигини, шунингдек, фуқароларнинг демократик ўзгартиришлардаги фаоллигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ–4473-сон қарори

767. «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4475-сон қарори
768. «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4476-сон қарори
769. «2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4477-сон қарори
770. «Товар-хом ашё биржалари фаолияти самарадорлигини ошириш ва биржа савдоси механизмларини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПҚ-4484-сон қарори [Кўчирма]
771. «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-4485-сон қарори
772. «Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-4486-сон қарори

Учинчи бўлим

773. «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Апелляция кенгаши тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 октябрдаги 856-сон қарори

Бешинчи бўлим

774. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 12 сентябрдаги 2019-54-сон «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг бузилишига доир ишларни кўриб чиқиш ва жазо қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 7 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1131-8*)
775. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 7 октябрдаги 451-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 7 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2206-1*)
776. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 7 октябрдаги 452-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан

чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 7 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 955-1*)

777. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 7 октябрдаги 453-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 7 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1031-2*)

778. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 20/ЮБ-41-сон «Юк кўтаргич (минора)ларни ўрнатиш ва улардан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 8 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2313-2*)

779. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 03/ЮБ-42-сон «Ионлаштирувчи нурланиш манбаларини инвентаризациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқ-номанинг 8-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 8 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2690-1*)

780. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 8 октябрдаги 456-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 8 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1698-1*)

781. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 8 октябрдаги 457-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 8 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 370-2*)

782. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 24 августдаги 21/8-сон «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 8 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2465-7*)

783. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 10 октябрдаги 459-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 10 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2770-1*)

784. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 10 октябрдаги 460-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестри-

дан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 10 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 480-4*)

785. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 11 сентябрдаги 98, 2019-48-сон «Электр энергиясини сотишни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 10 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2127-4*)

786. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 10 октябрдаги 462-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 10 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2189-2*)

787. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 10 октябрдаги 463-мх-сон «Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 10 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3113-3*)

788. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 10 октябрдаги 464-мх-сон «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижрочиларга етказиш ҳамда уларнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида тушунтириш бўйича намунавий «Йўл харитаси»нинг 3-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 10 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3011-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2019 йил 5 октябрдан 11 октябргача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

764 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 январдаги «Электротехника саноатининг экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш ва ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4090-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ноқонуний муомаласининг олдини олиш чораларини кучайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, ижро интизомини мустаҳкамлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари ижроси устидан назорат тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 1-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 4 октябрь,
ПФ-5846-сон

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 4 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги
ПФ–5846-сон Фармонида
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июндаги «Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида инновация технопаркини ташкил қилиш тўғрисида»ги ПФ–5068-сон Фармони рус тилидаги матнида:

1-илованинг 24-бандидаги «АК» қисқартмаси «Ассоциация» сўзи билан алмаштирилсин;

2-илованинг 8-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«8. Юнусов М.Р. — председатель Ассоциации «Узэлтехсаноат»».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 февралдаги «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича комиссияларнинг янгиланган таркибларини тасдиқлаш тўғрисида»-ги ПФ–5357-сон Фармонида 4-илованинг қирқ биринчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Юнусов М.Р. — «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси раиси».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги ПФ–5490-сон Фармони билан тасдиқланган Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатдан ўтказиш орқали ваколатли органи хабардор этиш тартибида ўтказиладиган текширувлар рўйхатининг рус тилидаги матнида:

а) 1-позицияда:

«Проверки (контрольные функции)» устунининг тўртинчи хатбошиси «запрещенных товаров (услуг)» сўзларидан кейин «а также незаконного оборота сильнодействующих веществ» сўзлари билан тўлдирилсин;

«Контролирующий орган» устуни «Департамент по борьбе с экономическими преступлениями при Генеральной прокуратуре Республики Узбекистан» сўзларидан кейин «Министерство внутренних дел Республики Узбекистан» сўзлари билан тўлдирилсин;

б) қуйидаги мазмундаги 2¹-позиция билан тўлдирилсин:

« 2 ¹ .	Надзор за розничной реализацией лекарственных средств и изделий медицинского назначения, с целью недопущения реализации фальсифицированной, несертифицированной и незарегистрированной продукции, рецептурных лекарственных средств и изделий медицинского назначения без рецепта врача, только при наличии достоверных сведений о реализации такой продукции.	Департамент по борьбе с экономическими преступлениями при Генеральной прокуратуре Республики Узбекистан, Министерство внутренних дел Республики Узбекистан, Агентство по защите прав потребителей при Антимонопольном комитете Республики Узбекистан,	1 день
--------------------	--	---	--------

		Министерство здравоохранения Республики Каракалпакстан, управления здравоохранения областей и Главное управление здравоохранения города Ташкента	
--	--	---	--

».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 9 октябрдаги «Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2048-сон қарорида:

а) 5-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик компанияси» сўзлари «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик жамияти» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 6-банддаги «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик компанияси» сўзлари «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик жамияти» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 9-бандда:

«Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик компанияси» сўзлари «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик жамияти» сўзлари билан алмаштирилсин;
қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Маълумот учун қабул қилинсинки, мазкур банднинг биринчи хатбошисида назарда тутилган маблағлар, шунингдек, 2016 — 2019 йилларда объектларни сотишдан тушган маблағлар солиқ солиш объекти ҳисобланмайди».

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги «2014 — 2018 йилларда республика электротехника саноатини бошқаришнинг ташкил этилишини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2123-сон қарори рус тилидаги матнида:

2, 4 ва 6-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин;

7-банддаги «АК» қисқартмаси «Ассоциации» сўзи билан алмаштирилсин;

4 ва 7-иловалар ўз кучини йўқотган деб топилсин;

8-илова номланишидаги «АК» қисқартмаси «Ассоциацией» сўзи билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 февралдаги «2017 — 2021 йилларда электротехника саноатини бошқаришни янада такомиллаштириш, жадал ривожлантириш ва диверсификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2772-сон қарорида:

1 — 3 ва 17-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин;

11-банддаги «АКга» сўзи «уюшмасига» сўзи билан алмаштирилсин;

1 ва 2-иловалар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги «Шиша тола, электр тежамкор иситиш асбоб-ускуналар ва энергиянинг замонавий тежамкор тизимларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3417-сон қарори 5-бандининг учинчи хатбошиси «материаллар» сўздан кейин «, самосваллар» сўзи билан тўлдирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 апрелдаги «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомил-

лаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3680-сон қарори 9-бандининг «а» кичик банди иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармасидан 350 миллиард сўм миқдорида ажратиладиган бир марталик беғараз молиявий ёрдам».

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги «Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3856-сон қарорининг 8-бандида:

биринчи хатбошидан «2018 йил 1 августдан» сўзлари чиқариб ташлансин; иккинчи — тўртинчи хатбошилар қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида рўйхатдан ўтган, тадбиркорлик қилишни хоҳловчи ишсиз шахсларга — рўйхатдан ўтиш, кичик корхоналар ва микрофирмаларни давлат рўйхатидан ўтказиш, тадбиркорликка ўқитиш ва кредит олишда суғурта полиси тўлови учун харажатларни энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдорида тўлаш;

ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб шахсларни квоталанган энг кам сондан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган ташкилотларга — ҳар бир ходим учун 12 ой давомида ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 2 баравари миқдорида ҳақ тўлаш;

иш берувчиларга — аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари йўлланмаси бўйича ишга қабул қилинган ходимларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга сарфланадиган харажатларни қоплаш учун — ҳар бир ходим учун 6 ой давомида ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 4 баравари миқдорида тўловни амалга ошириш».

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 октябрдаги ПҚ-3962-сон қарори билан тасдиқланган «Ijro.gov.uz» ижро интизومي идоралараро ягона электрон тизимининг ишлаш тартиби тўғрисидаги низомга илованинг изоҳи 1-бандидан «ушбу Схема талабларини ҳисобга олган ҳолда,» сўзлари чиқариб ташлансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 ноябрдаги «Тошкент шаҳрида Аджу университетини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-4041-сон қарорига илованинг ўн иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«М.Р. Юнусов — «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси раиси».

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 январдаги «Электротехника саноатининг экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш ва ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4090-сон қарори 1-банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда «Ўзэлтехсаноат» АК мол-мулки ва бошқа маблағларини топшириш-қабул қилиш далолатномасига мувофиқ «Ўзэлтехсаноат» уюшмасига ўтказиш солиқ солиш объекти ҳисобланмайди».

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 сентябрдаги «Халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим самарадорлигини

тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4467-сон қарори 18-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Саккокий кўчаси, 3а-уй манзилида жойлашган бино ва иншоотларининг бир қисми тегишли ҳудуди билан биргаликда Республика «Баркамол авлод» болалар мактабини жойлаштириш учун Халқ таълими вазирлигига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида беғараз ўтказиб берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Республика «Баркамол авлод» болалар мактабининг эҳтиёжидан келиб чиқиб, Халқ таълими вазирлигига бериладиган Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Саккокий кўчаси 3а-уй манзилида жойлашган бино ва иншоотларнинг аниқ чегараларини белгилашни таъминласин».

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 августдаги «Ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ф-5017-сон фармойиши рус тилидаги матнида:

а) 1-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи — тўққизинчи хатбошилар тегишинча иккинчи — саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

олтинчи — саккизинчи хатбошилар тегишинча тўртинчи — олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 1, 3 ва 3а-иловалар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги
ПФ-5846-сон Фармони
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим ҳужжатлари РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш, шунингдек айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги ПФ-5111-сон Фармони 1-илованинг 21-банди «б» кичик банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2014 — 2018 йилларда республика электротехника саноатини бошқаришни такомиллаштириш ва янада ривожлантиришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 6 февралдаги ПҚ-2123-сонли қарорига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги ПҚ-2986-сон қарорига илованинг 2-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**765 Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини
2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқ-
лаш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин ва унда қуйидагилар назарда тутилсин:

олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, ҳудудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш асосида олий таълим билан қамров даражасини 50 фоиздан ошириш, соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш;

Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университети ни мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг флагманига айлантириш; республикадаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1 000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхати-га, шу жумладан Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини биринчи 500 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхати-га кириштиш;

олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизими-га ўтказиш;

халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, жумладан ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизими-га босқичма-босқич ўтиш;

олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш;

олий таълим муассасаларининг академик мустақиллигини таъминлаш;

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 9 октябрда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий-тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш фаолиятининг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи «Университет 3.0» концепциясини босқичма-босқич жорий этиш;

хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, пуллик хизматлар кўламини кенгайтириш ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига олий таълим муассасаларида технопарк, форсайт, технологиялар трансфери, стартап, акселератор марказларини ташкил этиш ҳамда уларни тегишли тармоқ, соҳа ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тадқиқ қилувчи ва прогнозлаштирувчи илмий-амалий муассасалар даражасига олиб чиқиш;

олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, илмий изланувчилари, докторантлари, бакалаврият ва магистратура талабаларининг юқори импакт-факторга эга нуфузли халқаро илмий журналларда мақолалар чоп этиши, мақолаларга иқтибослик кўрсаткичлари ошиши, шунингдек республика илмий журналларини халқаро илмий-техник маълумотлар базасига босқичма-босқич киритилишини таъминлаш;

Ўзбекистон олий таълим тизимини Марказий Осиёда халқаро таълим дастурларини амалга оширувчи «хаб»га айлантириш;

олий таълимнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, хорижий таълим ва илм-фан технологияларини жалб этиш;

талаба-ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни амалиётга татбиқ этиш;

олий таълим муассасаларининг инфратузилмаси ва моддий-техник базасини, шу жумладан халқаро молия институтларининг имтиёзли маблағларини кенг жалб қилиш ҳисобига яхшилаш, уларни босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш;

таълимнинг ишлаб чиқариш корхоналари ва илмий-тадқиқот институтлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини йўлга қўйиш;

аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, шу жумладан имконияти чекланган шахсларнинг олий таълим билан қамров даражасини ошириш, улар учун инфратузилмага оид шароитларни яхшилаш;

б) Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини 2019 йилда амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Концепция тегишли даврга мўлжалланган мақсадли параметрлар ва асосий йўналишлардан келиб чиқиб, ҳар йили алоҳида тасдиқланадиган «Йўл харитаси» орқали босқичма-босқич амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ҳамда Ўзбекистон олий таълим муассасалари

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ректорлари кенгаши негизда нодавлат нотижорат ташкилот шаклидаги Республика олий таълим кенгашини (кейинги ўринларда — Кенгаш) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Кенгашнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

профессор-ўқитувчилар, талабалар ўртасида сўровлар ўтказиш, жамоатчилик ва иш берувчиларнинг фикрини ўрганиш ҳамда илғор хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш орқали олий таълим сифатини ошириш, ўқув дастурларини такомиллаштириш ва замонавий педагогик технологияларни жорий этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

олий таълимни давлат томонидан бошқариш тизими самарадорлигига ва профессор-ўқитувчилар учун яратилган шароитлар, улар томонидан таълим беришда қўлланилаётган таълим-тарбия усулларининг таъсирчанлигига ҳолисона баҳо бериш;

таълим беришда юқори сифатни таъминлаш юзасидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, бу борада оммавий ахборот воситалари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш;

олий таълим муассасалари фаолиятида очиқлик, шаффофлик ва ҳолиликни таъминлаш, коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш бўйича тавсиялар тайёрлаш;

олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва педагогларнинг илмий-инновацион фаолиятини ривожлантириш бўйича ишларни мазмунли ва мақсадли ташкил этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

халқаро алоқалар натижадорлигини таҳлил қилиб бориш, қўшма дастурлар самарадорлигини баҳолаш, ҳамкорликнинг янги шаклларини ривожлантириш, чет эллик профессор-ўқитувчилар ва хориждаги ватандошларни олий таълим тизимига жалб этиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

олий таълим муассасалари фаолияти самарадорлигини баҳолаш ва такомиллаштириш бўйича илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш асосида уларни республика олий таълим муассасалари шароитида қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Кенгаш фаолиятининг натижалари, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ҳайъат мажлисида йилига камида икки марта Кенгаш аъзолари билан биргаликда кўриб чиқилади ва натижаси юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинади;

Кенгаш томонидан тайёрланган таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таркибида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар ҳамда олий таълим муассасалари томонидан мажбурий тартибда кўриб чиқилади, улар Кенгашга вазифаларини амалга оширишда ҳар томонлама кўмак берадилар, сўралган зарур маълумотларни тақдим этиб борадилар;

Кенгаш фаолияти натижалари, олий таълим тизимини ривожлантириш

бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар юзасидан ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Кенгаш фаолиятини ташкил этиш бўйича Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

5. Таълим сифатини яхшилаш борасидаги илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш жараёнларини жадаллаштириш мақсадида давлат олий таълим муассасалари (Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси тизимидаги олий таълим муассасалари бундан мустасно) раҳбар ходимларининг хорижий мамлакатларга хизмат сафарига чиқишини бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик ва идорани хабардор қилган ҳолда амалга ошириш тартиби жорий қилинсин.

Бунда олий таълим муассасаси раҳбар ходимлари томонидан хорижий мамлакатга хизмат сафари олдидан асосий маълумотлар, жумладан мамлакат номи, ташриф мақсади ва режаси, сафар натижалари юзасидан эса олий таълим муассасаси кенгашига амалга оширилган ишлар ва харажатлар тўғрисида тақдим этилган ҳисобот олий таълим муассасаси веб-сайтига жойлаштирилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

2019 йил 1 декабрь кунига қадар 2030 йилга қадар республикадаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1 000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига, шу жумладан Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини биринчи 500 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритишни, бунда мазкур олий таълим муассасаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг замонавий механизмларини жорий этишни назарда тутувчи чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

ҳар йили 1 декабрга қадар ўтаётган йил бўйича тасдиқланган «Йўл харитаси» бажарилиши якунларини пухта ўрганиш асосида Концепцияни келгуси йилда амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» лойиҳасини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

«Йўл хариталари»нинг бажарилиши юзасидан доимий мониторинг юритсин ва унинг натижаларини ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиб борсин.

7. Қўйидагилар мазкур Фармонда назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари;
жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;
халқаро молия ташкилотлари, хорижий давлатлар ва бошқа донорлар
кредитлари (қарзлар), грантлари маблағлари;
қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

8. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимовга — масъул вазирликлар ва идораларнинг Концепция ҳамда «Йўл хариталари»ни бажариш бўйича фаолияти ва ўзаро ҳамкорлигини самарали ташкил этиш, «Йўл хариталари» бажарилишини мониторинг қилиш давомида аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, масъул вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига — Концепция ва «Йўл хариталари»да назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажариш;

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У. Маджидовга — Концепциянинг мақсадли кўрсаткичларига эришиш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

9. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси оммавий ахборот воситаларида мазкур Фармоннинг мақсад ва вазифаларини кенг ёритиш бўйича чиқишлар ва тематик кўрсатувлар ташкил этсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 8 октябрь,
ПФ-5847-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**766 Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислохотлар устидан жамоатчилик назорати самарадорлигини, шунингдек, фуқароларнинг демократик ўзгартиришлардаги фаоллигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Аҳолини жамоат ва давлат ишларини бошқаришга фаол жалб этиш фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва юридик саводхонлигини ошириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, тегишли соҳаларда давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда самарали қарорлар қабул қилишнинг фоят муҳим шарти ҳисобланади.

Шу билан бирга, мамлакатни социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожлантиришнинг жадал суръатлари жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштирок этишларидаги ролини ошириш, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган тамойиллари ва нормаларини инobatга олган ҳолда ушбу йўналишдаги уларнинг фаолиятини авж олдириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш зарурлигини тақозо этмоқда.

Жамоатчилик фикрини таҳлил этиш, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги иштирокини кенгайтириш, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг янада очиқлигини таъминлаш асосида бошқарув қарорлари қабул қилинишини сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қуйидаги тартибни ўрнатиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин, унга мувофиқ ишлаб чиқувчи-ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг Ягона интерактив давлат хизматлари порталида жойлаштириладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини жамоатчилик томонидан муҳокама қилиш натижалари Адлия вазирлигига (ҳуқуқий экспертиза учун) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига (кўриб чиқиш учун) киритилади, бунда, қоида тариқасида, келиб тушган таклифларни кўриб чиқиш натижалари кўрсатилиши мажбурийдир.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига уч ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонунини қайта кўриб чиқиш тавсия этилсин, бунда шу жумладан қуйидагилар назарда тутилсин:

халқаро амалиётда кенг тарқалган жамоатчилик назоратининг таъсирчан шакллари жорий этиш;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 5 октябрда эълон қилинган.

жамоатчилик назорати шакллари аналга ошириш механизмларини батафсил регламентация қилиш, уларни амалиётда самарали қўллаш;

давлат органлари ва ташкилотлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолияти, тегишли соҳалардаги ишларнинг ҳолатини яхшилашда уларнинг роли ва самарали иштироки масалалари.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси (Р.С. Қосимов) икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш ва молиялаштиришни кўзда тутувчи қарори лойиҳасини киритсин, унда, жумладан қуйидагилар назарда тутилсин:

институт томонидан ҳар йили Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ҳолати ва уни ривожлантириш тенденциялари тўғрисидаги маърузани Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгашининг кўриб чиқиши учун киритиш ва шундан кейин Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериш;

институт томонидан фуқаролик жамияти ривожланишини, жамият институтларининг давлат органлари ва ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик даражасини, шунингдек, уларнинг мамлакатни социал-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан ривожлантиришга, шу жумладан 2030 йилгача бўлган даврда БМТнинг Барқарор тараққиёт мақсадларини амалга ошириш доирасида қўшган ҳиссасини баҳолаш индикаторларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

4. 2020 йил 1 январдан бошлаб республика, вилоятлараро нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундирилган давлат божи ставкалари базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваридан 3 бараваригача, вилоят нодавлат нотижорат ташкилотлари учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 бараваридан 1 бараваригача пасайтирилсин.

2020 йил 1 январдан бошлаб фаолиятини туман (шаҳар), шаҳарча, қишлоқ ва овул ҳудудида олиб борадиган нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат божи ставкаси базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида белгилансин.

5. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга давлат грантлари, субсидиялар ва ижтимоий буюртма шаклидаги маблағлар Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети, шунингдек, туман ва шаҳарлар бюджетларининг харажатларига қўшилсин.

Молия вазирлиги бир ой муддатда мазкур банднинг талабларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Белгилансинки, республиканинг барча давлат органлари ва ташкилотларида, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда, улар фаолиятини молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, ушбу орган ва ташкилотларнинг бюджетдан ташқари манбалари ҳисобидан мажбурий тартибда уларнинг веб-сайтлари яратилади.

Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти

Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги икки ой муддатда:

давлат органлари ва ташкилотларининг расмий веб-сайтига қўйиладиган асосий талабларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва тақдим этсин;

Интернет тармоғида республиканинг барча давлат органлари ва ташкилотларининг, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг веб-сайтлари мавжудлиги ва фаолият юритишини инвентаризациядан ўтказсин.

Инвентаризация натижалари веб-сайтларга нисбатан янги талабларни инобатга олган ҳолда кейинчалик давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги веб-сайтларини яратиш ва амалдагиларини модернизация қилиш бўйича чоралар кўриш учун икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилсин.

7. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O‘zbekiston» телеканалида фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасидаги вазифаларни кенг қўламда тушунтириш ва тарғиб қилишга, аҳолини ташвишга солаётган долзарб масалаларни муҳокама қилиш учун олимлар, социологлар, тадқиқотчилар, экспертлар, жамоат арбоблари, хотин-қизлар, ёшлар ва фуқаролар иштирокида доимий фаолият юритувчи «мунозара майдончаси»ни ташкил этишга қаратилган телекўрсатувлар туркумини тайёрлаш ва намойиш этишни назарда тутувчи «Jamoatchilik fikri» таҳририятини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки, «Jamoatchilik fikri» таҳририятини молиялаштириш Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг ўз маблағлари ҳисобидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан телерадиокомпанияга ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида амалга оширилади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси икки ҳафта муддатда марказий давлат телеканалларида мамлакатнинг социал-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ҳаётига оид энг муҳим масалаларни муҳокама қилиш мақсадида доимий асосда махсус телекўрсатувлар (жамоатчилик мунозаралари) ташкил этилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикасининг Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги кодекси лойиҳасини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳ 1-иловага* мувофиқ таркибда тузилсин, илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва шакланган миллий ҳуқуқни қўллаш амалиёти асосида нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонунчиликни кодлаштириш ва тизимлаштириш унинг асосий вазифаси этиб белгилансин.

Ишчи гуруҳ 2020 йил 1 февралга қадар манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишилган Ўзбекистон Республикаси Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги кодекси лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ас-

социацияси билан биргаликда 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб тўлов асо-сида нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларини мунтазам равишда ташкил этсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жа-миятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши (А.Х. Саидов) икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан белгиланган тартибда келишилган қўйидаги лойиҳаларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамия-тини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши тўғрисидаги низом;

Давлат ишларини бошқаришда фуқаролар иштирокининг халқаро стандарт-ларини республикада жорий этиш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси.

11. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телера-диокомпанияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрация-си ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига оммавий ахборот воситаларида ушбу қарорнинг мақсад ва вазифаларини ёритиш юза-сидан мақолалар ва мавзуга оид кўрсатувлар ташкил этиш тавсия қилинсин.

12. Мазкур қарорни амалга ошириш бўйича батафсил амалий чора-тадбирлар режаси 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Масъул вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарла-ри барча чора-тадбирлар белгиланган муддатларда сўзсиз ва сифатли ба-жарилишини таъминласинлар.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 декабрда-ги «Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–2085-сон қарорига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик-лар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

Фуқаролик жамияти институтлари фаолияти соҳасида қонунчиликнинг ҳаволаки нормаларини амалга ошириш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш режасини;

қонунчиликка ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшим-чалар тўғрисида таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳка-масига киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Респуб-ликасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Прези-дентининг маслаҳатчиси Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 4 октябрь,
ПҚ–4473-сон

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги
ПҚ-4473-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил
12 декабрдаги «Фуқаролик жамияти институтларини
ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-
тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2085-сон қарорига
киритилаётган ўзгартириш**

Илова матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан
ўтказиш учун ундириладиган давлат божи миқдорлари,
шунингдек уларнинг рамзларини давлат рўйхатидан
ўтказиш учун ундириладиган йиғимлар
МИҚДОРЛАРИ**

T/p	Нодавлат нотижорат ташкилотининг тури	Давлат божи ставкалари
Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундириладиган давлат божи ставкалари		
1.	Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек халқаро ва хорижий нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколат- хоналари ва филиаллари	базавий ҳисоблаш миқдорининг 12,5 баравари миқдорида
2.	Республика, вилоятлараро нодавлат нотижорат ташки- лотлари	базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари
3.	Вилоят нодавлат нотижорат ташкилотлари	базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари
4.	Фаолиятини туман (шаҳар), шаҳарча, қишлоқ ва овул ҳудудида олиб борадиган нодавлат нотижорат ташки- лотлари	базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи
Нодавлат нотижорат ташкилотларининг рамзларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундириладиган йиғимлар миқдорлари		
1.	Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек халқаро ва хорижий нодавлат нотижорат ташкилотларининг вако- латхоналари ва филиаллари	базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари
2.	Республика, вилоятлараро нодавлат нотижорат ташки- лотлари	базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари
3.	Вилоят нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек фаолиятини туман (шаҳар), шаҳарча, қишлоқ ва овул ҳудудида олиб борадиган нодавлат нотижорат ташки- лотлари	базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари

».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

767 Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида*

1. 2019 йил 31 май куни Ашхобод шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи-давлатларининг ҳукумат раҳбарлари кенгаши йиғилишида имзоланган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи-давлатлари божхона органларининг интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасида ўзаро ҳамкорлиги тўғрисидаги битим тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси юқорида кўрсатилган халқаро шартномани амалга ошириш юзасидан масъул ваколатли орган этиб белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги мазкур халқаро шартнома кучга кириши учун Ўзбекистон Республикаси томонидан зарур бўлган давлат ички тартиб-таомиллари бажарилганлиги ҳамда уни амалга ошириш учун масъул бўлган ваколатли орган ҳақидаги тегишли билдириш-номани депозитарийга юборсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари ушбу халқаро шартнома кучга кирганидан кейин Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан белгиланган тартибда назоратни таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 4 октябрь,
ПҚ-4475-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 5 октябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

768 Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида*

1. 2019 йил 1 август куни Минск шаҳрида имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Беларусь Республикаси Ҳукумати ўртасида минтақалараро ҳамкорлик тўғрисидаги битим тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги мазкур халқаро шартнома кучга кириши учун Ўзбекистон Республикаси томонидан зарур бўлган давлат ички тартиб-таомиллари бажарилганлиги ҳақида тегишли билдиришномани Беларусь томонига юборсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари ушбу халқаро шартнома кучга кирганидан кейин Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан белгиланган тартибда назоратни таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 4 октябрь,
ПҚ-4476-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

769 2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида*

Мамлакатда таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, иқтисодиётнинг базавий тармоқларини модернизациялаш ва диверсификациялаш ҳамда ҳудудларни бир маромда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

* Ушбу қарорлар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 5 октябрда эълон қилинган.

Жорий йилнинг 8-9 июль кунлари Тошкент шаҳрида «яшил» иқтисодиёт бўйича норматив-ҳуқуқий базани ва сиёсатни такомиллаштириш, давлат ва хусусий сектор ўртасидаги шериклик муносабатлари орқали инновацион «яшил» инвестицияларни қўллаб-қувватлашга қаратилган Европа ва МДХ давлатларининг «яшил» иқтисодиёт бўйича минтакавий вазирликлар конференцияси ўтказилди.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил иқлимнинг ўзгариши шароитида самарали, ресурс тежамкор ва экологик хавфсиз иқтисодиётни таъминлашда ўзаро боғлиқ муаммолар ва эҳтиёжлар мавжудлигини кўрсатди.

Хусусан, жадаллашаётган саноатлаштириш ва аҳоли сонининг ортиши иқтисодиётнинг ресурсларга бўлган эҳтиёжини сезиларли даражада оширмакда, шунингдек, атроф-муҳитга салбий антропоген таъсирни кучайтирмакда ва иссиқхона газлари ажратмаларининг ортишига олиб келмакда.

Иқтисодиёт энергия самарадорлигининг паст даражаси, табиий ресурслардан нооқилона фойдаланиш, технологиялар янгилианишининг сустлиги, «яшил иқтисодиёт»ни ривожлантириш учун инновацион ечимларни жорий этишда кичик бизнес иштирокининг етарли эмаслиги мамлакатни барқарор ривожлантириш соҳасидаги устувор миллий мақсадлар ва вазифаларга эришишга тўсқинлик қилмакда.

Узоқ муддатли стратегиянинг мавжуд эмаслиги «яшил» технологияларни жорий этиш ва «яшил» иқтисодиётга ўтиш бўйича тизимли чоралар кўришни таъминлашга имкон бермаяпти.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш, шунингдек, Париж битими (Париж, 2015 йил 12 декабрь) мажбуриятлари бажарилишини ва Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтишини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтишининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

технологик модернизациялаш ва молиявий механизмларни ривожлантириш орқали иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш;

давлат инвестициялари ва харажатларининг устувор йўналишларига илғор халқаро стандартларга асосланган «яшил» мезонларни киритиш;

давлат томонидан рағбатлантириш механизмларини, давлат-хусусий шерикчиликни ривожлантириш ҳамда халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорликни фаоллаштириш орқали «яшил» иқтисодиётга ўтиш йўналишлари бўйича тажриба-синов лойиҳаларини амалга оширишга қўмаклашиш;

таълимга инвестициялар киритишни рағбатлантириш, етакчи хорижий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириш ҳисобига «яшил» иқтисодиётдаги меҳнат бозори билан боғлиқ кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ривожлантириш;

Оролбўйидаги экологик инқирознинг салбий таъсирини юмшатиш чораларини кўриш;

«яшил» иқтисодиёт соҳасида, шу жумладан икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар тузиш орқали халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш.

2. Қўйидагилар:

а) 2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегияси (кейинги ўринларда — Стратегия) 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин ва қўйидагилар уни амалга оширишнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

иқтисодиётнинг базавий тармоқлари энергия самарадорлигини ошириш;

энергия ресурслари истеъмолини диверсификациялаш ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш;

иқлим ўзгариши оқибатларига мослашиш ва уларни юмшатиш, табиий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва табиий экотизимларни асраш;

«яшил» иқтисодиётни қўллаб-қувватлашнинг молиявий ва номолиявий механизмларини ишлаб чиқиш;

б) Стратегияни амалга оширишнинг қўйидагиларни назарда тутувчи мақсадли кўрсаткичлари тасдиқлансин:

иссиқхона газларининг ялпи ички маҳсулот бирлигига нисбатан солиш-тирма ажратмаларини 2010 йилдаги даражадан 10 фоизга қисқартириш;

икки карра энергия самарадорлиги кўрсаткичини ошириш ва ялпи ички маҳсулот углерод сарфи ҳажмини камайтириш;

қайта тикланувчи энергия манбаларини янада ривожлантириш ва уларнинг улушини электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 25 фоизидан кўпроғига етказиш;

100 фоизгача аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини замонавий, арзон ва ишончли энергиядан фойдаланиш имконияти билан таъминлаш;

саноат корхоналари инфратузилмасини модернизациялаш, энергия самарадорлигини 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорга ошириш ҳамда соф ва экологик хавфсиз технологиялар ва саноат жараёнларидан янада кенг фойдаланиш ҳисобига уларнинг барқарорлигини таъминлаш;

энергия самарадорлик ва экологик жиҳатдан яхшилانган тавсифларга эга мотор ёқилғиси ва автотранспорт воситалари ишлаб чиқаришни ҳамда улардан фойдаланишни кенгайтириш, шунингдек, электр транспортни ривожлантириш;

иқтисодиётнинг барча тармоқларида сувдан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли даражада ошириш, 1 миллион гектаргача майдонда томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш ва уларда етиштириладиган экинлар ҳосилдорлигини 20 — 40 фоизгача ошириш;

ерларнинг таназзулга учраши бўйича нейтрал балансга эришиш;

асосий турдаги қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўртача ҳосилдорлигини 20 — 25 фоизгача оширишга эришиш.

3. Асосий мақсади Стратегияни амалга ошириш бўйича ишларни самарали ташкил қилишдан иборат бўлган Ўзбекистон Республикасида «яшил» иқтисодиётни илгари суриш ва жорий этиш бўйича идоралараро кенгаш

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

(кейинги ўринларда — Идоралараро кенгаш) 2-иловага* мувофиқ таркибда тузилсин.

Идоралараро кенгаш ҳар йили 10 ноябрга қадар Стратегияни амалга ошириш бўйича келгуси йилга мўлжалланган ҳаракатлар режаси ишлаб чиқирилишини ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Ўзбекистон Республикасида «яшил» иқтисодиётни илгари суриш ва жорий этиш бўйича ваколатли орган этиб белгилансин ва унга қуйидаги вазифалар юклансин:

Стратегияда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш бўйича масъул вазирликлар ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш;

Идоралараро кенгашга, шу жумладан унинг ишчи органи фаолиятини ташкил этиш орқали ҳар томонлама қўмаклашиш;

«яшил» иқтисодиётни босқичма-босқич жорий этиш бўйича ҳисоботлар юритишнинг ўз вақтида ташкил этилишини таъминлаш.

5. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари ва маслаҳатчиларига — Стратегияда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш бўйича вазирлик ва идоралар фаолиятини самарали ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазирига (Б.А. Ходжаев) — ялпи ички маҳсулотнинг углерод сарфи ҳажмини камайтириш, соф ва экологик хавфсиз технологиялар ва саноат жараёнларини қўллаган ҳолда саноат корхоналари инфратузилмасини модернизациялаш;

Ўзбекистон Республикаси энергетика вазирига (А.С. Султанов) — энергия самарадорлик кўрсаткичларини ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш, экологик жиҳатдан яхшилланган тавсифларга эга мотор ёқилғисини ишлаб чиқаришни ва ундан фойдаланишни кенгайтириш, замонавий, арзон ва ишончли энергиядан фойдаланиш имконияти билан таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирига (Ж.А. Ходжаев) — асосий турдаги қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўртача маҳсулдорлиги ва ҳосилдорлигини ошириш, томчилатиб суғориш технологияларини самарали жорий этиш, шунингдек, ерларнинг таназзулга учраши бўйича нейтрал балансга эришиш;

Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазири (Ш.Р. Хамраев) ҳамда уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирига (М.Х. Салиев) — сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисига (Б.Т. Қўчқоров) — «яшил» иқтисодиётни жорий этиш бўйича тадбирлар амалга оширилишини экологик қўллаб-қувватлашни ташкил этиш ва таъминлаш ҳамда атроф табиий муҳит ҳолати мониторинги натижаларини умумлаштириш;

вазирлик, идора ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига — Стратегияда

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажариш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Стратегияда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун хорижий инвестицияларни, шунингдек, халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари ва бошқа хорижий донорларнинг кредитлари ва грантларини жалб қилишни таъминласин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А. Гулямов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 4 октябрь,
ПҚ-4477-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

770 Товар-хом ашё биржалари фаолияти самарадорлигини ошириш ва биржа савдоси механизмларини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида*

[Кўчирма]

Мамлакатимизда иқтисодийтни либераллаштириш ва маъмурий тартибга солишни қисқартириш, юқори ликвидли ва монопол маҳсулотларни реализация қилишда бозор механизмларини ҳамда биржа савдоларида шаффофлик даражасини ошириш ва соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш учун биржа фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича изчил чоралар қабул қилинмоқда.

Шу билан бирга, юқори ликвидли ва монопол маҳсулотларга нарх шакллантиришнинг бозор механизмларини яратиш ва биржа фаолиятини янада ривожлантириш учун фақат биржа савдолари орқали сотиладиган товарлар рўйхатини кенгайтириш, биржа савдоларининг динамикасини таъминловчи янги савдо инструментларини жорий қилиш лозим.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 9 октябрда эълон қилинган.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар учун юқори ликвидли ва монопол маҳсулотларни сотиб олишда тенг шароитлар яратиш ҳамда республикада биржа савдосини фаоллаштириш мақсадида:

1. 2020 йил 1 январдан бошлаб шундай тартиб белгилансинки, унга кўра:

устав фонди (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар ёки устав фонди (капитали)нинг 50 фоизи ва ундан ортиғи 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улушига эга юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахслар (кейинги ўринларда — давлат улуши мавжуд ташкилотлар) томонидан ишлаб чиқариладиган юқори ликвидли ва монопол маҳсулотларнинг бир қисми Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан ўрнатиладиган квоталар бўйича фақат биржа савдолари орқали экспорт қилинади;

монополист корхоналар ва давлат улуши мавжуд ташкилотлар томонидан техник мой, омухта-ем, хўжалик совуни, нефть эриткичи, нефть парафини ва мис купороси ички бозорда фақат биржа савдолари орқали бозор тамойиллари асосида барча тоифадаги харидорларга биржа савдоларида қатнашиш имконияти тенг таъминланган ҳолда реализация қилинади;

маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган шакар ички бозорда фақат биржа савдолари орқали бозор тамойиллари асосида барча тоифадаги харидорларга биржа савдоларида қатнашиш имконияти тенг таъминланган ҳолда реализация қилинади, республиканинг олис ва етиб бориш қийин бўлган ҳудудларида жойлашган истеъмолчиларга тўғридан-тўғри шартнома асосида ўз савдо тармоқлари орқали сотиладиган, умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг 10 фоизидан ошмайдиган ҳажми бундан мустасно;

монополист корхоналар ва давлат улуши мавжуд ташкилотлар томонидан иситиш ёқилғиси, ёқиш мазути, суюлтирилган газ ва нефть битуми фақат биржа савдолари орқали бозор тамойиллари асосида барча тоифадаги харидорларга биржа савдоларида қатнашиш имконияти тенг таъминланган ҳолда реализация қилинади, махсус истеъмолчиларга ўрнатилган тартибда тўғридан-тўғри шартномалар орқали сотиладиган ҳажмлар бундан мустасно;

биржа савдоларига қўйилиши лозим бўлган, монополист корхоналар ва давлат улуши мавжуд ташкилотлар томонидан ички бозорда тўғридан-тўғри шартномалар орқали реализация қилинадиган юқори ликвидли ва монопол маҳсулот сотувчилар томонидан мажбурий тартибда товар-хом ашё биржаларида ҳисобга қўйилади ва ушбу маълумотлар тегишинча шартнома тузилган ва мажбуриятлар бажарилган вақтдан бошлаб уч кун муддатда биржанинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади;

товар-хом ашё биржаларида томонларнинг келишувига мувофиқ биржа савдолари қоидалари асосида чет эл валютасида импорт битимлари тузилиши мумкин. Бунда, тузилган шартномалар бўйича маълумотлар товар-хом ашё биржалари томонидан Валюта операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига киритилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Молия вазирлиги ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан биргаликда 2019 йил 1 ноябрга қадар юқори ликвидли ва монопол маҳсулотларни товар-хом ашё биржаларининг биржа савдоларида, шу жумладан биржа товарларини 1 ойдан ортиқ муддатга кечиктириб етказиб бериш шарти билан олди-сотди битими (форвардлар) тузиш орқали реализация қилиш тартибини назарда тутувчи ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, юқори ликвидли ва монопол маҳсулотларни биржа савдоларига қўйиш жадваллари монополист корхоналар ва давлат улуши мавжуд ташкилотлар томонидан товар-хом ашё биржаларининг расмий веб-сайтларига, зарур ҳолларда, ҳар ойда янгиланган тарзда жойлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси юқори ликвидли ва монопол маҳсулотларни биржа савдоларига ўрнатилган тартибда қўйиб борилиши устидан назоратни таъминласин.

4. Биржада камида 100 та сотилган (бепул тақдим этилган) брокерлик ўринлари мавжудлиги ва биржа фаолиятини амалга оширишда товар-хом ашё биржалари раҳбарлари малака талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги шартлар ва талаблар бекор қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасига:

Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда монополист корхоналар томонидан юқори ликвидли ва монопол турдаги маҳсулотларни биржа савдоларига мажбурий қўйиш бўйича қарорлар қабул қилиш;

биржа савдолари қатнашчилари доирасини чегаралаб қўйишнинг олдини олиш учун биржа савдоларига қўйиладиган юқори ликвидли ва монопол маҳсулотларнинг битта лот бўйича максимал ҳажмини қайта кўриб чиқиш юзасидан товар-хом ашё биржаларига кўрсатмалар бериш ҳуқуқи тақдим этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

8. Монополияга қарши курашиш қўмитаси бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А. Ғуломов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 8 октябрь,
ПҚ-4484-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги
ПҚ-4484-сон қарориға
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 ноябрдаги «Ёқилғи-энергетика ресурслари ҳамда бошқа юқори ликвидли махсулотлар билан таъминлаш борасида рақобат муҳитини такомиллаштириш, суиистеъ-молчиликлар ва талон-торожликлар шароитини тугатиш, тўлов интизоми-ни мустаҳкамлаш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайитириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3386-сон қарорида:

1-банднинг «б» кичик банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«б) Монополист корхоналар ҳамда устав фондида (капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар ёки устав фонди-нинг (капиталининг) 50 фоизи ва ундан ортиғи 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улушига эга юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахс-лар томонидан ички бозорда фақат биржа савдолари орқали бозор тамо-йиллари асосида сотиладиган юқори ликвидли ва монопол турдаги махсу-лотлар, хом ашё ва материалларнинг рўйхатини иловага мувофиқ тасдиқ-лаш тўғрисидаги»;

илованинг рус тилидаги матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«ПРИЛОЖЕНИЕ

к постановлению Президента Республики
Узбекистан от 14 ноября 2017 года
№ ПП-3386

ПЕРЕЧЕНЬ

**высоколиквидных и монопольных видов продукции,
сырья и материалов, реализуемых на внутреннем рынке
предприятиями-монополистами и юридическими лицами
с долей государства в уставном фонде (капитале) в размере
50 процентов и более или юридическими лицами, в уставном
фонде (капитале) которых 50 процентов и более принадлежит
юридическому лицу с долей государства 50 процентов и более,
на основе рыночных принципов исключительно через
биржевые торги**

1. Бензин автомобильный
2. Бензин экстракционный
3. Дизельное топливо
4. Керосин технический
5. Полипропилен

6. Полиэтилен
7. Сера техническая
8. Уголь
9. Минеральные удобрения
10. Сода кальцинированная
11. Медь катодная
12. Медная катанка
13. Алюминий вторичный
14. Прокат черных металлов
15. Цинк металлический
16. Цемент
17. Цементный клинкер
18. Стекло строительное
19. Сахар
20. Пшеница
21. Ячмень
22. Хлопок-волокно
23. Хлопковый линт
24. Масло растительное (хлопковое)
25. Шелуха хлопковых семян
26. Шрот хлопковых семян
27. Технические хлопковые семена
28. Технические масла
29. Печное топливо
30. Мука пшеничная*
31. Комбикорма
32. Топочный мазут
33. Сжиженный газ
34. Хозяйственное мыло
35. Нефтяной растворитель
36. Нефтяной парафин
37. Нефтяной битум
38. Медный купорос

Примечание:

при необходимости, Антимонопольным комитетом по согласованию с Кабинетом Министров Республики Узбекистан могут приниматься решения о выставлении других высоколиквидных и монопольных видов продукции на биржевые торги, не предусмотренных в настоящем перечне;

товары, указанные в настоящем перечне, реализуются с учетом пункта 2 постановления Президента Республики Узбекистан от 17 января 2018 года № ПП-3479 «О мерах по стабильному обеспечению отраслей экономики страны востребованными видами продукции и сырья»;

** срок перевода на биржевые торги муки пшеничной определяет решением Кабинета Министров Республики Узбекистан».*

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 январдаги «Мамлакат иқтисодиётининг тармоқларини талаб юқори бўлган маҳсулот ва хом ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3479-сон қарорида:

1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 ноябрдаги «Ёқилғи-энергетика ресурслари ҳамда бошқа юқори ликвидли маҳсулотлар билан таъминлаш борасида рақобат муҳитини такомиллаштириш, суиистеъ-молчиликлар ва талон-торожликлар шароитини тугатиш, тўлов интизоми-ни мустаҳкамлаш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайитириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3386-сон қарорига мувофиқ Монополист кор-хоналар ҳамда устав фондида (капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ун-дан ортиқ бўлган юридик шахслар ёки устав фондининг (капиталининг) 50 фоизи ва ундан ортиғи 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улу-шига эга юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахслар томонидан ички бозорда фақат биржа савдолари орқали бозор тамойиллари асосида соти-ладиган юқори ликвидли ва монопол турдаги маҳсулотлар, хом ашё ва ма-териалларнинг рўйхати тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин»;

2-банд «а» кичик бандининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«техник чигит — мулкчилик шаклидан қатъи назар пахта чигитини қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқариш қувватига ва тегишли (мувофиқлик ва гигиеник) сертификатларга эга бўлган маҳаллий корхоналарга. Бунда тегишли (мувофиқлик ва гигиеник) сертификатларни олиш учун техник чигит мулкчилик шаклидан қатъи назар маҳаллий корхоналарга 5 тоннага-ча ҳажмда сотилади, сотиб олинган пахта чигитини қайта сотиш эса фақат биржа савдолари орқали амалга оширилади».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 январдаги «Ёғ-мой тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3484-сон қарори 3-бандининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«кейинчалик саноатда қайта ишлаш учун мўлжалланган экстрактли пахта ёғи биржа савдолари орқали мулкчилик шаклидан қатъи назар экс-трактли пахта ёғини қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқариш қувватларига ва тегишли (мувофиқлик ва гигиеник) сертификатларга эга бўлган маҳаллий корхоналарга сотилиши ҳақидаги тартибни белгилаш тўғрисидаги таклиф-ларига розилик берилсин. Бунда тегишли (мувофиқлик ва гигиеник) сер-тификатларни олиш учун экстрактли пахта ёғи мулкчилик шаклидан қатъи назар маҳаллий корхоналарга 1 тоннагача ҳажмда сотилади, сотиб олин-ган экстрактли пахта ёғини қайта сотиш эса фақат биржа савдолари орқа-ли амалга оширилади».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

771 Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида*

1. 2019 йил 31 май куни Ашхобод шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи-давлатларининг ҳукумат раҳбарлари кенгаши йиғилишида имзоланган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи-давлатларининг музей иши соҳасида ҳамкорлиги тўғрисидаги битим тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги юқорида кўрсатилган халқаро шартномани амалга ошириш юзасидан масъул ваколатли орган этиб белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги мазкур халқаро шартнома кучга кириши учун Ўзбекистон Республикаси томонидан зарур бўлган давлат ички тартиб-таомиллари бажарилганлиги ҳамда уни амалга ошириш учун масъул бўлган ваколатли орган ҳақидаги тегишли билдиришномани депозитарийга юборсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари ушбу халқаро шартнома кучга кирганидан кейин Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан белгиланган тартибда назоратни таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 9 октябрь,
ПҚ-4485-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 10 октябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**772 Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли институционал ислохотлар доирасида сув хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш, сув ресурсларини бошқариш тамойиллари ва тизимини такомиллаштириш борасида чора-тадбирлар амалга оширилди.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, уларнинг ҳисобини юритиш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, сув хўжалиги ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича ишлар изчил амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигини ислох қилиш ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификациялаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар мазкур соҳада бошқарувнинг замонавий усуллари жорий этиш асосида сув хўжалиги инфратузилмасини янада яхшилашни талаб этмоқда.

Сув ресурсларини бошқариш ва сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш, ирригация ва мелиорация лойиҳаларини амалга ошириш самарадорлигини таъминлаш, сув хўжалигини бошқариш соҳасида бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, шунингдек, ушбу соҳада илм-фанни ривожлантириш мақсадида:

1. 2022 йил охиригача Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги раҳбарияти фаолиятининг қуйидаги устувор йўналишлари ва самарадорлигининг муҳим кўрсаткичлари белгилансин:

а) сув хўжалиги вазири қуйидагилар учун шахсан жавобгардир:

сув хўжалиги соҳасида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини таъминлаш, сув ресурсларини бошқариш соҳасида халқаро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш;

2020 — 2030 йилларда сув хўжалигини ривожлантириш концепциясини ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқиш;

2020 йилдан бошлаб сув хўжалиги ташкилотларининг сув етказиб бериш бўйича харажатларининг бир қисмини сув истеъмолчилари томонидан қоплаш механизмларини босқичма-босқич жорий этиш;

сув хўжалиги соҳасидаги истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий инвестициялар, қарзлар ва грантлар жалб қилишни кенгайтириш орқали сув хўжалиги объектларини қуриш, реконструкция ва модернизация қилиш харажатларининг жами ҳажмидаги бюджет маблағлари улушини босқичма-босқич камайтириш;

сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этишда қишлоқ хўжа-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 10 октябрда эълон қилинган.

лиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига фаол қўмаклашиш, замонавий суғориш тизимларини ишлаб чиқариш қувватларини хусусий инвестициялар жалб қилиш ҳисобига кенгайтириш орқали сув тежовчи технологияларни қўллаган ҳолда суғориладиган ерларнинг улушини суғориладиган ерлар умумий майдонининг камида 10 фоизгача етказиш;

б) вазирнинг биринчи ўринбосари қуйидагилар учун шахсан жавобгардир:

сув хўжалигини институционал, техник ва технологик ривожлантириш, ушбу соҳада фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш;

сув хўжалиги объектларидаги қурилиш-монтаж ишларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини, замонавий ишлаб чиқариш технологияларини жорий этиш ҳисобига уларнинг таннархи пасайтирилишини таъминлаш;

сув ресурсларини бошқариш соҳасида бозор механизмларини жорий этиш, сув хўжалиги соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш орқали фойдаланиш харажатларини камида 15 фоизга қисқартириш;

сув хўжалиги соҳасидаги илмий ва илмий-техник фаолиятнинг жадал ривожлантирилишини таъминлаш, сув ресурсларини бошқариш соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш ҳисобига сув хўжалиги соҳасидаги долзарб йўналишлар бўйича камида 10 та илмий ва инновацион ишланмани амалиётга жорий этиш;

в) вазирнинг ўринбосарлари қуйидагилар учун шахсан жавобгардир:

сув хўжалигини инновацион ривожлантириш, илмий ишланмалар натижаларини, сув хўжалигини бошқариш ва сув хўжалиги объектларидан фойдаланишнинг илғор усулларини амалиётга фаол жорий этиш;

замонавий технологияларни қўллаган ҳолда сув хўжалигининг суғориш тизимларини модернизация, реконструкция қилиш ва таъмирлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш орқали суғориш тизимларининг фойдали иш коэффициенти ҳар йили республика бўйича ўртача камида 1 фоизга ошириш;

энергия тежовчи ва энергия самарадор технологияларни кенг жорий этиш, шунингдек, насос станциялари иш режимини тартибга солишнинг самарали усулларини жорий этиш ҳисобига сув хўжалиги объектларида электр энергияси истеъмолини камида 10 фоизга қисқартириш;

сув-туз балансини юритиш механизмларини такомиллаштириш, ер ости сувларини меъёрга ушлаб туриш, шунингдек, мелиорация ишлари самарадорлигини ошириш орқали шўрланган ер майдонлари улушини 45 фоизгача камайтириш;

сув хўжалиги объектларини бошқариш ва улардан фойдаланиш жараёналарига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳисобига 300 та сув хўжалиги иншооти ва гидроузелда сувни назорат қилиш ва унинг ҳисобини юритиш тизимини автоматлаштириш;

сув истеъмолчилари уюшмаларининг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш, сув ресурсларини бошқариш соҳасидаги ролини ошириш, шунингдек, улар фаолиятининг молиявий барқарорлигини таъминлашга қўмаклашиш орқали сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятини тубдан ривожлантириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлигининг:

сув хўжалиги тизимини такомиллаштиришга қаратилган лойиҳаларни шакллантириш ва ишлаб чиқиш, шунингдек, уларни, шу жумладан хорижий инвестициялар, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағларини жалб қилиш орқали амалга ошириш учун масъул бўлган Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлигини (кейинги ўринларда — Лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги) ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги «Ўзсувқурилиштаъминот» республика бирлашмаси (кейинги ўринларда — «Ўзсувқурилиштаъминот» республика бирлашмаси) негизида «Ўзсувқурилиш» акциядорлик жамиятини (кейинги ўринларда — «Ўзсувқурилиш» АЖ) ташкил этиш, шунингдек, 1-иловага* мувофиқ «Ўзсувқурилиштаъминот» республика бирлашмаси таркибига кирувчи давлат унитар корхоналарини масъулияти чекланган жамиятларга айлантириш;

Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги бюджет ташкилотларининг штатлар сонини 2019 йил 1 ноябрдан 10 фоизга, 2020 йил 1 январдан қўшимча равишда 10 фоизга, шу жумладан бошқарув ходимлари сонини мазкур қарорга мувофиқ 83 бирликка босқичма-босқич мақбуллаштириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

3. Белгилансинки:

Лойиҳаларни амалга ошириш агентлигига Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинладиган ва лавозимидан озод қилинадиган директор бошчилик қилади;

Лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги ходимларига Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги марказий аппарати ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилади;

«Ўзсувқурилиш» АЖ «Ўзсувқурилиштаъминот» республика бирлашмасининг шартномалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади;

ташкил этилаётган масъулияти чекланган жамиятлар ўзгартирилаётган тегишли давлат унитар корхоналарининг шартномалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади;

ташкил этилаётган масъулияти чекланган жамиятлар устав капитали 1-иловада кўрсатилган ўзгартирилаётган давлат унитар корхоналарининг мол-мулкларини қолдиқ қийматида ўтказиш ҳисобига шакллантирилади;

«Ўзсувқурилиш» АЖ устав капитали қайта ташкил этилаётган «Ўзсувқурилиштаъминот» республика бирлашмасининг мол-мулкларини қолдиқ қийматида, шунингдек, ташкил этилаётган масъулияти чекланган жамиятлардаги давлат улушини ўтказиш ҳисобига шакллантирилади;

«Ўзсувқурилиш» АЖ устав капиталидаги акциялар давлат пакети бўйича

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

акциядор функцияларини Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги амалга оширади;

қайта ташкил этилаётган «Ўзсувқурилиштаъминот» республика бирлашмасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган бошқарув ходимлари штатлар сони Сув хўжалиги вазирлиги тизимида сақланиб қолинади;

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги тизимининг штатлар сонини мазкур қарорга мувофиқ мақбуллаштиришдан бўшайдиган маблағлар Сув хўжалиги вазирлиги идора ва ташкилотлари ходимларининг базавий тариф ставкаларига 2019 йил 1 ноябрдан 1,1 ва 2020 йил 1 январдан 1,2 миқдорда тузатиш коэффициентини қўллаш ҳисобига уларнинг иш ҳақини оширишга йўналтирилади.

4. Лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги бошқарув ходимларининг чекланган сони Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги тизими бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони доирасида 26 birlik этиб белгилансин.

5. Куйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлигининг тузилмаси 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлиги, зарур ҳолларда, Лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги тузилмасига бошқарув ходимларининг белгиланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ишлаб чиқилган Сув ресурсларини бошқариш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича «Йўл харитаси» 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларига ушбу кичик бандда назарда тутилган «Йўл харитаси»га киритилган тадбирларни ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга ошириш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

6. Белгилансинки, 2020 йил 1 январдан:

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятлар маҳаллий бюджетларига ўтказилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаларининг белгиланган лимитдан ортиқча электр энергияси учун тўлов харажатлари Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятлар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан қопланади;

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳузуридаги насос станциялари ва энер-

* 2-3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

гетика бошқармаларининг электр энергияси истеъмоли учун фойдаланилмаган лимитидан тежаб қолинган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги билан келишилган ҳолда насос станциялари ва энергетика объектларини техник жиҳатдан ривожлантиришга йўналтирилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, шунингдек, ишлаб чиқариш ва фойдаланиш ташкилотларининг:

4-иловага* мувофиқ ишлаб чиқариш ва фойдаланиш ташкилотлари негизида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (кейинги ўринларда — Институт) соҳага оид кафедраларининг ихтисослаштирилган синфларини жойлаштириш;

илмий ва профессор-ўқитувчилар таркибидан, лойиҳа институтлари вакилларида, шу жумладан чет эл мутахассисларидан иборат бўлган, шунингдек, сув хўжалигида лойиҳалаштиришнинг замонавий усуллари ва стандартларига амалиётда ўқитиш учун иқтидорли талабаларни жалб қилган ҳолда Институт ҳузурида ихтисослаштирилган лойиҳа гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Қуйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:

а) Институт соҳага оид кафедраларининг тегишли ишлаб чиқариш ва фойдаланиш ташкилотлари негизида жойлаштирилаётган ихтисослаштирилган синфларида талабаларнинг амалий ва лаборатория машғулотларини, шунингдек, ўқув-ишлаб чиқариш амалиётини ўташи «ишлаб чиқаришда бир кунлик машғулот» тамойили бўйича амалга оширилади;

б) Институт ҳузуридаги ихтисослаштирилган лойиҳа гуруҳининг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

сув хўжалиги ва аҳоли пунктлари сув таъминоти объектлари қурилиши, реконструкция ва модернизация қилинишини лойиҳалаштириш;

сув хўжалиги ва сув таъминоти соҳасидаги лойиҳа-қидирув ишларини ва лойиҳалар амалга оширилишини илмий-техник жиҳатдан кузатиб бориш;

сув хўжалиги объектларидан фойдаланишнинг ишончлилиги ва хавфсизлигини, шунингдек, сув хўжалиги объектларининг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш ва уларни ҳисоблаш асосларини ишлаб чиқиш.

8. 2020 йил 1 январдан:

халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағларини жалб қилган ҳолда сув хўжалиги объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича янгидан амалга ошириладиган лойиҳаларга кадрларни тайёрлаш ва ўқитиш бўйича махсус компонент киритиш;

илмий ва илмий-техник фаолиятни қўллаб-қувватлаш мақсадида сув хўжалиги объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳа-қидирув ишлари қийматининг ҳисоб-китобига лойиҳа-қидирув ишлари умумий қийматининг 10 фоизигача миқдорда қўшимча маблағлар киритиш амалиётга мажбурий жорий этилсин.

Белгилансинки:

* 4-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ушбу банднинг учинчи хатбошисида назарда тутилган маблағларнинг 50 фоизи лойиҳа-қидирув ишларини илмий-техник жиҳатдан кузатишни молиялаштиришга йўналтирилади, уларга фақат маҳаллий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари, шунингдек, алоҳида олимлар белгиланган тартибда жалб қилинади;

ушбу банднинг учинчи хатбошисида назарда тутилган маблағларнинг қолган 50 фоизи Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармасига ўтказилади. Бунда мазкур маблағлар фақат сув хўжалиги соҳасидаги долзарб муаммолар бўйича илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини молиялаштириш мақсадида республика таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларига грантлар ажратиш учун сарфланади.

9. 2019 йил 1 ноябрдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ сув хўжалиги ташкилотлари раҳбарлари ҳар чорақда тегишли туман халқ депутатлари Кенгашига сув ресурсларини бошқариш, сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини яхшилаш, шунингдек, ушбу туманда сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш ҳолати тўғрисида ҳисобот киритади.

Вилоятлар ва туманлар халқ депутатлари Кенгашларига халқ депутатлари кенгаши ва унинг доимий комиссиялари иш режаларини ишлаб чиқишда ижро этувчи ҳокимият органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг сув хўжалиги соҳасидаги ишлар ҳолати тўғрисидаги ахборотини бир йилда камида икки марта эшитишни назарда тутиш тавсия этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

бир ой муддатда сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятини ривожлантиришни, шу жумладан бошқарув тизимини такомиллаштириш, сув истеъмолчилари уюшмаларининг молиявий барқарорлигини ва улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар учун йиғимлар тўлиқ тушишини таъминлаш, шунингдек, сув истеъмолчилари уюшмалари жойлашувини ва улар томонидан хизмат кўрсатилаётган ҳудудлар чегараларини қайта кўриб чиқишни назарда тутувчи Ҳукумат қарори қабул қилишини;

икки ой муддатда 5-иловада* кўрсатилган инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳлари, шунингдек, ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва шартномалар Лойиҳаларни амалга ошириш агентлигига ўтказилишини;

Ўзбекистон Республикаси номидан халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари манзилига Лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги сув хўжалиги соҳасидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ижрочи агентлик этиб белгиланганлиги тўғрисидаги хабарномалар юборилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги:

а) бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агент-

* 5-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин, унда:

Лойиҳаларни амалга ошириш агентлигини сақлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши;

Лойиҳаларни амалга ошириш агентлигига ўтказилаётган лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳлари белгиланган тартибда фаолияти 5-иловада кўрсатилган инвестиция лойиҳалари доирасида халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган юридик шахсларга ўзгартирилиши назарда тутилсин;

б) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда:

6-иловага* мувофиқ сув хўжалиги объектларини қуриш ва модернизация қилиш бўйича устувор инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш чораларини кўрсин;

кўрсатилган лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асослари ишлаб чиқилишига қараб, уларни амалга ошириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағларини жалб қилиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиб борсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда мазкур қарорга мувофиқ Сув хўжалиги вазирлиги тизимининг штатлар сони мақбуллаштирилиши натижасида ишдан бўшатиладиган ходимларни иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича чоралар кўрсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3672-сон қарорига 7-иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А. Фуломов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 9 октябрь,
ПҚ–4486-сон

* 6-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги
ПҚ-4486-сон қарорига
7-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил
17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги
вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари
тўғрисида»ги ПҚ-3672-сон қарорига киритилаётган
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 1-банднинг тўққизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«зарур ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг (кейинги ўринларда Вазирлик деб юритилади) марказий аппарати, шунингдек, идора ва ташкилотлари тузилмаларига ходимларнинг белгиланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси доирасида ўзгартириш киритиш».

2. 5-банднинг «б» ва «в» кичик бандлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«б) сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари қуйидагилар учун шахсан жавобгардир:

сув хўжалигини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, шу жумладан сув хўжалиги объектларини куриш, реконструкция ва модернизация қилиш бўйича устувор ҳамда истиқболли лойиҳаларни шакллантириш;

соҳага халқаро молия институтларининг грантлари ва кредитларини жалб қилиш, халқаро ташкилотлар фаолиятида Вазирликнинг фаол иштирокини таъминлаш;

сув хўжалиги ва сувдан фойдаланиш тизимини такомиллаштиришга, ирригация ва мелиорация тизимини, сув омборлари, насос станциялари ва бошқа сув хўжалиги ҳамда гидротехника иншоотларини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни самарали ва ўз вақтида амалга ошириш;

сув хўжалигини механизациялаштириш, сув хўжалиги ташкилотларининг мелиоратив машиналар ва механизмлар паркини янгилаш, ёқилғи-мой материаллари жамғармасини шакллантириш ва ундан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

сув хўжалиги соҳасида илмий ва илмий-техник фаолиятни ривожлантириш, Вазирлик тизимининг илмий салоҳиятини ошириш ва мустаҳкамлаш;

в) сув хўжалиги вазирининг ўринбосарлари қуйидагилар учун шахсан жавобгардирлар:

сув ресурсларини бошқаришни ҳавза тамойили асосида ташкил этиш ва сувни чекланган тарзда ишлатиш ҳамда ундан фойдаланиш тартибини амалда рўёбга чиқаришни таъминлаш, сув ресурслари балансини ишлаб чиқиш, давлат сув кадастри ва сув ҳисобини юритиш, барча манбаларнинг сув ресурслари бўйича ягона маълумотлар базасини яратиш ҳамда ривожлантириш;

ирригация ва мелиорация тизимларидан, бошқа сув хўжалиги ва гидротехника иншоотларидан лозим даражада фойдаланилишини, уларнинг узлуксиз ишлашини ва мунтазам равишда модернизация қилинишини таъминлаш, Вазирлик тасарруфида бўлган йирик ва ўта муҳим сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини таъминлаш ва муҳофазасини ташкил этиш, уларнинг техник жиҳатдан ишончлилигини ошириш;

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш, ер ости сувларини меъёрга ушлаб туриш ҳамда суғориладиган ерларнинг шўрланишини камайтириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва бардошлилигини таъминлаш бўйича чоралар кўриш;

сувни тежайдиган суғориш технологиялари, шу жумладан, томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш тизимлари қўлланилишини ривожлантириш, шунингдек, сувни тежаб ишлатишни тақдирлаш ва рағбатлантириш механизмлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятини мувофиқлаштириш, қўллаб-қувватлаш, ички хўжалик суғориш тармоқлари ҳамда уларнинг гидротехника иншоотларини эксплуатация қилиш ва ривожлантириш бўйича ишларни ташкил этиш;

Вазирликнинг сув хўжалиги фойдаланиш ташкилотларини зарур замонавий техникалар билан таъминлаш, уларнинг мақсадли ва самарали ишлатилиши бўйича чоралар кўриш, сув хўжалиги секторига замонавий, инновацион ҳамда ресурс тежайдиган технологияларни жорий этиш, сувни бошқариш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги ахборот-коммуникация технологияларини ва илғор хорижий усулларни кенг қўллаш;

кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, сув хўжалиги ташкилотларининг таълим ва илмий муассасалар билан ўзаро интеграциясини кучайтириш, илм-фан ютуқларини ва инновацион ишланмаларни амалиётга татбиқ қилиш чораларини кўриш».

3. 1-илова* матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

4. 2-илова* матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

5. 3-иловада:

«Қурилиш ва таъмирлаш ишларини ташкил қилиш бўлими 3» блокадаги «3» рақами «2» рақами билан алмаштирилсин;

изоҳдаги «20» рақами «19» рақами билан алмаштирилсин.

6. 4-иловада:

«Қурилиш ва таъмирлаш ишларини ташкил қилиш бўлими 2-3» блокадаги «2-3» рақамлари «2» рақами билан алмаштирилсин;

«Молия-хўжалик бўлими 4» блокадаги «4» рақами «3-4» рақамлари билан алмаштирилсин;

изоҳдаги «231», «20» ва «17» рақамлари тегишинча «219», «19» ва «16» рақамлари билан алмаштирилсин.

7. 5в-иловада:

«Молия-хўжалик бўлими 2» блокадаги «2» рақами «1-2» рақамлари билан алмаштирилсин;

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

изоҳ қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бошқарув ходимларининг умумий штатлар сони — 92 бирлик, шу жумладан:

Қорақалпоғистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги мелиоратив экспедицияда, Аму-Бухоро ва Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳузуридаги мелиоратив экспедицияларда — 8 бирлик (I гуруҳ);

Норин-Қорадарё, Аму-Сурхон, Чапқирғоқ-Амударё, Норин-Сирдарё, Қуйи-Сирдарё, Сирдарё-Зарафшон, Сирдарё-Сўх ва Чирчиқ-Оҳангарон ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳузуридаги мелиоратив экспедицияларда — 7 бирлик (I гуруҳ);

Қуйи-Зарафшон ва Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳузуридаги мелиоратив экспедицияларда — 6 бирлик (II гуруҳ).

*) Ишлаб чиқариш, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сони ўрнатилган меъёрларга мувофиқ аниқланади».

8. 5г-иловининг изоҳида:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бошқарув ходимларининг умумий штатлар сони — 31 бирлик, шу жумладан:»;

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Норин-Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Катта Наманган магистрал канали (7 бирлик) ва Шимолий Фарғона магистрал канали (8 бирлик) бошқармалари — 15 бирлик.

9. 5д-иловада:

«Сув ресурслари, гидрометрия ва диспетчерлик хизмати бўлими 1 — 6» блокидаги «6» рақами «5» рақами билан алмаштирилсин;

изоҳ қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бошқарув ходимларининг умумий штатлар сони — 392 бирлик, шу жумладан:

Қорақалпоғистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги «Каттагар-Бўзатов» (5 бирлик), «Қуаришжарма» (7 бирлик), «Қизкеткен-Кегейли» (9 бирлик), «Пахтаарна-Найман» (10 бирлик), «Суенли» (13 бирлик) ирригация тизими бошқармалари ва Орол бўйи дельта бошқармаси (4 бирлик) — 48 бирлик;

Норин-Қорадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги «Андижонсой» (5 бирлик), «Қорадарё-Майлисой» (4 бирлик), «Савай-Оқбура-сой» (4 бирлик), «Улуғнор-Мазгилсой» (6 бирлик), «Шаҳрихонсой» (6 бирлик) ирригация тизими бошқармалари — 25 бирлик;

Аму-Бухоро ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги «Аму-Қорақўл» (8 бирлик), «Тошрабат-Жилвон» (6 бирлик), «Хархур-Дуоба» (7 бирлик), «Шохруд-Дўстлик» (7 бирлик) ирригация тизими бошқармалари — 28 бирлик;

Сирдарё-Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги «Зомин» (7 бирлик), «Туятортар-Қли» (4 бирлик), «Учтом» (5 бирлик) ирригация тизими бошқармалари — 16 бирлик;

Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги «Қарши магистрал канали» (17 бирлик), «Миришкор» (11 бирлик), «Оқсув» (8 бирлик), «Эски-Анҳор» (8 бирлик), «Яккабоғ-Ғузор» (7 бирлик) ирригация тизими бошқармалари — 51 бирлик;

Қуйи-Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги «Кармана-Конимех» (5 бирлик), «Тошработ-Ўртачўл» (5 бирлик) ирригация тизими бошқармалари — 10 бирлик;

Норин-Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги «Зардарё» (7 бирлик); «Норин-Ҳаққулобод» (5 бирлик), «Подшоота-Чодак» (7 бирлик) ирригация тизими бошқармалари — 19 бирлик;

Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги «Оқ-Қорадарё» (8 бирлик), «Дарғом» (11 бирлик), «Мианкал-Тос» (5 бирлик), «Мирза-Пай» (9 бирлик), «Нарпай» (8 бирлик) ирригация тизими бошқармалари — 41 бирлик;

Аму-Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги «Аму-Занг» (11 бирлик), «Сурхон-Шеробод» (9 бирлик), «Тўпаланг-Қоратор» (11 бирлик) ирригация тизими бошқармалари — 31 бирлик;

Қуйи-Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги «Боёвут» (14 бирлик), «Шўрўзак-Сирдарё» (11 бирлик) ирригация тизими бошқармалари — 25 бирлик;

Чирчиқ-Оҳангарон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги «Оҳангарон-Далварзин» (12 бирлик), «Бўзсув» (10 бирлик), «Паркент-Қорасув» (13 бирлик) ирригация тизими бошқармалари — 35 бирлик;

Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги «Исфайрам-Шоҳимардон» (9 бирлик), «Исфара-Сирдарё» (7 бирлик), «Норин-Фарғона» (9 бирлик), «Сўх-Октепа» (7 бирлик) ирригация тизими бошқармалари — 32 бирлик;

Чапқирғоқ Амударё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги «Қарамази-Қиличбай» (5 бирлик), «Полвон-Ғазоват» (8 бирлик), «Тошсақа» (8 бирлик), «Шовот-Қуловат» (10 бирлик) ирригация тизими бошқармалари — 31 бирлик.

10. ба-илова* матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

* ба-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

773 Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Апелляция кенгаши тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 8 февралдаги ПҚ-4168-сон ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 1 июлдаги ПҚ-4380-сон қарорларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 1 июлдаги ПҚ-4380-сон қарорига мувофиқ Адлия вазирлиги ҳузурида Ўзбекистон Республикаси адлия вазири раис ҳисобланадиган интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси билан боғлиқ бўлган апелляцияларни кўриб чиқувчи Апелляция кенгаши ташкил этилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Апелляция кенгаши тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг Апелляция кенгаши тўғрисидаги низомни ҳамда Патент вакиллари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 1 июлдаги 298-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 55-модда) 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.К. Давлетов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 9 октябрь,
856-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 10 октябрда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 9 октябрдаги 856-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
Апелляция кенгаши тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида», «Селекция ютуқлари тўғрисида», «Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида» ва «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Апелляция кенгашида (кейинги ўринларда Апелляция кенгаши деб аталади) кўриб чиқиладиган масалалар турлари, Апелляция кенгашининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда унинг фаолиятини ташкил этиш тартиби ва молиялаштириш манбаларини белгилайди.

2. Апелляция кенгаши ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг (кейинги ўринларда Вазирлик деб аталади) ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини, селекция ютуқларини, интеграл микросхемалар топологияларини, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш билан боғлиқ апелляцияларни судгача кўриб чиқувчи коллегиял органи сифатида амалга оширади.

3. Апелляция кенгаши қарорлар қабул қилишда мустақил ҳисобланади ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, мазкур Низомга ҳамда Ўзбекистон Республикасининг интеллектуал мулкни муҳофаза қилишга доир халқаро шартномаларига амал қилади.

4. Апелляция кенгашининг фаолияти қарорлар қабул қилишда тенг ҳуқуқлилик ва коллегиялик принципларига асосланади.

**2-боб. Апелляция кенгашида кўриб чиқиладиган
масалалар турлари**

5. Апелляция кенгаши:

а) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) талабномада кўрсатилган:

саноат мулки объектлари;
селекция ютуқлари;

интеграл микросхемалар топологиялари;

товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номларига нисбатан қабул қилинган қарорлари юзасидан апелляцияларни кўриб чиқади;

б) манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларнинг:

саноат мулки объектларига патент берилиши;

селекция ютуқларига патент берилиши;

интеграл микросхемалар топологияларининг рўйхатдан ўтказилиши;

саноат мулки объектларига ва селекция ютуқларига берилган патентларнинг ҳақиқийлиги;

товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси, товарнинг келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳукуки тўғрисидаги гувоҳноманинг ҳақиқийлиги;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудда белгининг халқаро рўйхатдан ўтказилишининг амал қилиши юзасидан апелляцияларини кўриб чиқади;

в) қуйидагиларнинг:

интеграл микросхемалар топологияларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномаларнинг;

товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгиларига, товар келиб чиққан жой номларидан фойдаланиш ҳукукига берилган гувоҳномаларнинг амал қилиши тугатилиши юзасидан апелляцияларини кўриб чиқади;

г) товар келиб чиққан жой номи рўйхатдан ўтказилиши бекор қилиниши юзасидан апелляцияларини кўриб чиқади;

Апелляция кенгаши Ўзбекистон Республикасида ҳаммага маълум товар белгилари деб эътироф этиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқади (кейинги ўринларда ариза деб аталади).

3-боб. Апелляция кенгашининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

6. Апелляция кенгаши апелляция ёки аризани кўриб чиқишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

апелляция ёки ариза берган шахслардан, шунингдек, бошқа манфаатдор шахслардан апелляцияни ёки аризани кўриб чиқиш учун зарур бўлган қўшимча материаллар ва маълумотларни сўраб олиш;

қўшимча экспертиза тайинлаш, уни ўтказиш учун мустақил эксперт ва маслаҳатчиларни жалб этиш;

Агентлик ихтиёридаги патент ҳужжатлари ва илмий-техника адабиётлари давлат фондларидан фойдаланиш.

Апелляция кенгаши апелляция ёки аризани кўриб чиқишда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7. Апелляция кенгаши апелляция ёки аризани кўриб чиқиш жараёнида қуйидагиларга мажбур:

апелляция ёки аризани кўриб чиқиш жараёнида қонунчиликка ва мазкур Низом талабларига қатъий риоя қилиш;

апелляция ёки аризани кўриб чиқиш юзасидан қабул қилинган қарорлар ҳаққонийлигини ва асосланганлигини таъминлаш.

Апелляция кенгашига апелляция ёки аризани кўриб чиқиш жараёнида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

4-боб. Апелляция кенгаши фаолиятини ташкил этиш тартиби

8. Апелляция кенгаши Кенгаш раиси, унинг ўринбосари, кенгаш аъзолари ва котибидан иборат таркибда фаолият кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Апелляция кенгаши раиси ҳисобланади. Апелляция кенгаши таркибига Вазирлик ва Агентликнинг малакали ва тажрибали ходимлари, шунингдек, мустақил олимлар ва мутахассислар киритилади.

Вазирлик ва Агентликнинг Апелляция кенгаши таркибидаги ходимлари сони Апелляция кенгаши умумий аъзолари сонининг ўттиз фоизидан ошмаслиги лозим.

Апелляция кенгаши таркиби Ўзбекистон Республикаси адлия вазири томонидан тасдиқланади.

9. Апелляция кенгаши раиси ёки унинг топшириғига кўра эса — унинг ўринбосари Апелляция кенгашининг фаолиятини ташкил этади.

10. Апелляция кенгашида ишлар кенгаш котиби томонидан юритилади. Апелляция кенгаши котиби Апелляция кенгаши томонидан қарорлар қабул қилишда овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

11. Агентлик Апелляция кенгашининг ишчи органи ҳисобланади.

12. Агентлик:

апелляция ва аризаларни қабул қилади, Апелляция кенгаши мажлисларини ташкилий таъминлайди;

Апелляция кенгаши мажлисларида кўриб чиқиладиган масалалар бўйича зарур материалларни тайёрлайди;

манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларга ишни кўриш натижалари бўйича Апелляция кенгашининг қарорларини юбориш чораларини кўради;

Апелляция кенгаши ҳужжатлари бут сақланишини таъминлайди.

13. Апелляция кенгаши фаолияти мажлислар ўтказиш йўли билан ташкил этилади.

Мажлислар заруриятга кўра Апелляция кенгаши раиси томонидан, у бўлмаган тақдирда эса унинг ўринбосари томонидан чақирилади.

Апелляция кенгашининг мажлислари, агар уларнинг ишида Апелляция кенгаши аъзоларининг умумий сонининг учдан икки қисми иштирок этса, ваколатли ҳисобланади.

Апелляция кенгаши мажлисида протокол юритилади, уни Апелляция кенгаши раиси ва котиби имзолайди.

14. Апелляция кенгаши мажлисларида апелляция ёки ариза берган шахс ёки унинг вакили, бошқа манфаатдор юридик ёки жисмоний шахслар қатнашишга ҳақлидир. Апелляция ёки ариза берган шахс ва кўриб чиқиладиган иш бўйича томонлар ҳисобланган бошқа шахслар мажлис бўлишидан

камида ўн кун олдин мажлис ўтказиладиган жой, сана ва вақт тўғрисида ёзма равишда Агентлик томонидан хабардор қилиниши керак.

Апелляция ёки ариза берган шахс, бошқа манфаатдор шахслар илтимосномасига биноан Апелляция кенгаши мажлиси кенгаш қарорига кўра кечроқ, лекин олти ойдан кўп бўлмаган муддатга кўчирилиши мумкин. Бунда апелляцияларни ёки аризаларни кўриб чиқишнинг белгиланган муддати ўтиши Апелляция кенгаши мажлисининг янги санасигача тўхтатиб турилади.

15. Апелляция кенгашининг ташаббусига кўра ёки апелляция ёки ариза берган шахс, бошқа манфаатдор шахслар илтимосномаси билан апелляция кенгаши мажлисининг аудио- ёки видеоёзуви олиб борилиши мумкин.

Апелляция кенгаши мажлисида аудио- ёки видеоёзув воситаларидан фойдаланилганда Апелляция кенгаши ишда иштирок этувчи шахслар ва бошқа иштирокчилар бу ҳақда огоҳлантирилади.

Апелляция кенгаши мажлисида иштирок этганлар ёзма қайдлар қилиш ҳуқуқига эга. Апелляция кенгаши мажлисини фототасвирга тушириш, аудио- ва видеоёзувини амалга ошириш, шунингдек оммавий ахборот воситаларида трансляция қилинишига тарафларнинг розилигива Апелляция кенгаши мажлисида раислик қилувчининг рухсати билан йўл қўйилади.

16. Интеллектуал мулк объектига ҳуқуқий муҳофаза бериш тўғрисидаги талабномани кўриб чиқишда ва у бўйича экспертиза ўтказишда иштирок этган Апелляция кенгаши аъзолари ҳулоса бериш ёки Апелляция кенгашининг мазкур интеллектуал мулк объекти билан боғлиқ апелляциялар кўриб чиқиладиган мажлисида қатнашиш ҳуқуқига эга эмас.

17. Қўшимча материаллар ва маълумотлар зарур бўлган тақдирда улар Апелляция кенгаши белгиланган муддатларда манфаатдор шахслар томонидан тақдим этилиши керак.

Апелляция ёки ариза берган шахс ва бошқа манфаатдор шахслар илтимосномасига кўра қўшимча материаллар ва маълумотларни тақдим этиш муддати Апелляция кенгаши томонидан уч ойдан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин. Бунда апелляцияларни ёки аризаларни кўриб чиқиш белгиланган муддатининг ўтиши узайтириш муддатигача тўхтатиб турилади.

18. Ишни кўриб чиқиш қуйидаги ҳолларда Апелляция кенгашининг навбатдаги мажлиси санаси ва вақти кўрсатилган ҳолда Апелляция кенгаши томонидан бошқа кунга кўчирилиши мумкин:

вакилнинг мажлисда қатнаша олмаслиги сабабли ишни кўриб чиқиш бошқа кунга кўчирилиши тўғрисида апелляция ёки ариза берган шахснинг асосланган илтимосномаси муносабати билан;

қўшимча далиллар олиш зарурияти муносабати билан;

ишни кўриб чиқиш қатнашчиларидан бирортасининг ҳозир бўлмаганлиги ёки томоннинг вакилида ишончнома йўқлиги муносабати билан;

Апелляция кенгаши фикрига кўра ишни кўриб чиқишга экспертларни жалб этиш ёки бошқа шахсларнинг иштироки зарурлиги муносабати билан;

ишни ушбу мажлисда ҳал этиш мумкин бўлмаганда.

19. Ишни кўриб чиқиш қуйидаги ҳолларда тўхтатилиши мумкин:

Апелляция кенгаши томонидан хулосалари ишни кўриб чиқиш натижалари учун аҳамиятли бўлган бошқа иш кўрилатганда;

экспертизадан ўтказиш ёки тегишли экспертнинг ёки мутахассиснинг хулосаси зарур бўлганда;

материалларни қўшимча ўрганиш ва сўраш талаб қилинадиган ҳолатлар вужудга келганда.

Ишни кўриб чиқиш уни тўхтатишга сабаб бўлган ҳолатлар бартараф этилгандан кейин давом эттирилади.

20. Ишни кўриб чиқиш Апелляция кенгаши томонидан қуйидаги ҳолларда тўлиқ ёки қисмлари бўйича тугатилиши мумкин:

апелляция ёки ариза берган шахс ишни кўриб чиқишнинг тўлиқ ёки қисмлари бўйича тугатиши тўғрисида ариза берганда;

томонлардан бири вафот этганда, юридик шахс тугатилганда, агар ҳуқуқий ворислари билан алмаштириш имкони бўлмаса ёки мумкин бўлмаса;

апелляция иши бўйича суд томонидан қарор қабул қилинганда.

21. Апелляциялар ёки аризалар бериш ва уларни Апелляция кенгаши томонидан кўриб чиқиш қоидалари Вазирлик томонидан тасдиқланади.

22. Апелляцияларни ёки аризаларни кўриб чиқиш натижалари бўйича Апелляция кенгаши қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

апелляцияларни ёки аризаларни қаноатлантириш;

апелляцияларни ёки аризаларни қисман қаноатлантириш;

апелляцияларни ёки аризаларни қаноатлантиришни рад этиш.

23. Апелляция кенгашининг қарори апелляция ёки ариза моҳиятини кўриб чиқиш тугагандан сўнг кенгаш аъзоларининг ёпиқ йиғилиши натижаси бўйича кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда Апелляция кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Апелляция кенгаши раиси ва аъзолари овоз беришда бетараф қолиш ҳуқуқига эга эмас. Апелляция кенгаши раиси энг охирида овоз беради.

Апелляция кенгашининг қарори Апелляция кенгаши раиси ва ишни кўриб чиқишда қатнашган Апелляция кенгашининг барча аъзолари томонидан имзоланади ва манфаатдор шахслар қарор ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган пайтдан эътиборан кучга киради.

Апелляция кенгашининг қарори Вазирлик муҳри билан тасдиқланади.

24. Товар белгиси билан адаштириб юбориш даражасида уларга айнан ўхшаш бўлган белгиларни рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисида Агентлик қабул қилган қарорлар юзасидан апелляцияларни кўриб чиқишда апелляция берган шахс товар белгиси эгасининг рўйхатдан ўтказишда рад этилган белгини рўйхатга олиш учун розилигини тақдим этиш ҳуқуқига эга.

25. Товар келиб чиққан жой номини рўйхатдан ўтказишни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда Апелляция кенгаши айни пайтда ушбу рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ бўлган товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқига берилган гувоҳномаларнинг амал қилишини муддатидан олдин тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилади.

26. Апелляция кенгаши қарори юзасидан қарор қабул қилинган санадан бошлаб олти ой мобайнида судга шикоят қилиниши мумкин.

27. Апелляция кенгаши қарорлари қабул қилинган кундан бошлаб ўн иш куни мобайнида апелляция ёки ариза берган шахсларга ва бошқа манфаатдор шахсларга Агентлик томонидан юборилади, шунингдек, унинг расмий нашрида ва веб-сайтида маълумот тариқасида эълон қилинади.

5-боб. Апелляция кенгаши фаолиятини молиялаштириш манбалари

28. Апелляция кенгашида ишлар кўриб чиқилганлиги учун патент божлари ундирилади. Патент божлари Агентликнинг ҳисоб рақамларига тўланади.

Патент божлари миқдори, уларни тўлаш муддатлари, шунингдек, улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

29. Апелляция кенгаши аъзолари — жалб қилинган мустақил олимлар ва мутахассислар хизматларига улар билан тузилган шартномалар асосида Агентликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ҳақ тўланади.

Ҳақ тўлаш шартлари ва унинг миқдори Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

6-боб. Якунловчи қоида

30. Апелляция кенгашини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 9 октябрдаги 856-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси
Интеллектуал мулк агентлигининг Апелляция кенгаши
тўғрисидаги низомни ҳамда Патент вакиллари тўғрисидаги
низомни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 1 июлдаги 298-сон
қарорига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Номланиши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Патент вакиллари тўғрисидаги низомни
тасдиқлаш ҳақида».**

2. 1-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

3. 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 9 октябрдаги 856-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини
йўқотган деб ҳисобланаётган қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида («Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 19 сентябрдаги ЎРҚ–111-сонли Қонуни)» 2008 йил 7 майдаги 89-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 5-сон, 16-модда) илованинг 2-банди.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2008 йил 30 июлдаги ЎРҚ–164-сон Қонуни)» 2008 йил 9 сентябрдаги 204-сон қарорига илованинг 1-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигини ташкил этиш тўғрисида» 2011 йил 24 майдаги ПҚ–1536-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 8 июндаги 166-сон қарори)» 2011 йил 6 сентябрдаги 248-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 9-сон, 74-модда) илова 3-бандининг «б» кичик банди.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КАПИТАЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БЎЙРУҒИ

774 «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг бузилишига доир ишларни кўриб чиқиш ва жазо қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 7 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1131-8

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 августдаги 650-сон «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Капитал бозорини ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармаси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **бўйраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Бош директорининг 2002 йил 13 мартдаги 2002-04-сон «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг бузилишига доир ишларни кўриб чиқиш ва жазо қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 1131, 2002 йил 23 апрель) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 йил 8-сон) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

А. НАЗИРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 12 сентябрь,
2019-54-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 7 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
капитал бозорини ривожлантириш агентлиги
директорининг 2019 йил 12 сентябрдаги
2019-54-сон буйруғига
ИЛОВА

**«Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги Ўзбекистон
Республикаси қонунчилигининг бузилишига доир ишларни
кўриб чиқиш ва жазо қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни
тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Муқаддимадаги «1996 йил 30 мартдаги 126-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази тўғрисидаги низомга» деган сўзлар «2019 йил 7 августдаги 650-сон «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Капитал бозорини ривожлантиришга қўмаклашиш жамғармаси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Низомда:

а) 1-бандда:

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

Ўзбекистон Республикаси «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунининг 56-моддасида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 августдаги 650-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги тўғрисидаги низомда назарда тутилган санкциялар.»;

б) 2-бандда:

биринчи хатбошидаги «Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази (бундан буён матнда Марказ деб юритилади)» деган сўзлар «Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Марказ» деган сўз «Агентлик» деган сўз билан алмаштирилсин;

в) 3 ва 33-бандлардаги «Марказ» деган сўз «Агентлик» деган сўз билан алмаштирилсин;

г) 4-бандда:

биринчи хатбошидаги «Марказга» ва «Марказ» деган сўзлар тегишли равишда «Агентликка» ва «Агентлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги ва «б» кичик банднинг иккинчи хатбошисидаги «Марказнинг» деган сўз «Агентликнинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

д) 5-банддаги «Марказ» ва «Марказнинг» деган сўзлар тегишли равишда «Агентлик» ва «Агентликнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

е) 6, 43 ва 46-бандлардаги «Марказ» деган сўз «Агентлик» деган сўз билан алмаштирилсин;

ж) 7-бандда:

биринчи ва учинчи хатбошилардаги «Марказ» ва «Марказнинг» деган сўзлар тегишли равишда «Агентлик» ва «Агентликнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи ва бешинчи хатбошилардаги «Марказ бош директори» ва «Марказнинг» деган сўзлар тегишли равишда «Агентлик директори» ва «Агентликнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

з) 8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Агентлик бошқармалари (Агентликнинг ҳудудий органлари бўлимлари) бошлиқлари Агентлик директорига (Агентлик ҳудудий органи бошлиғига) қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда асосланган материаллар асосида тақдим этади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик белгилари аниқланган тақдирда Агентлик бошқармалари (Агентликнинг ҳудудий органлари бўлимлари) бошлиқлари ўз ваколатларига мувофиқ Агентлик директорига (Агентликнинг ҳудудий органи бошлиғига) қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга қабул қилмасдан, уларни судга жўнатишни асосланган материаллар асосида тақдим этадилар.»;

и) 9-банддаги «Марказ бош директори (Марказнинг» деган сўзлар «Агентлик директори (Агентликнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

к) 10-бандда:

еттинчи хатбошисидаги «Марказнинг» деган сўз «Агентликнинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбоши «тўғрисида ёзма» деган сўзлардан кейин «ёхуд электрон» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

л) 11-банддаги «Марказ бош директори» деган сўзлар «Агентлик директори» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

м) 12-банднинг иккинчи хатбошиси «алоқа воситаларидан» деган сўзлардан кейин «(телефакс, телефон, электрон почта ва бошқалар)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

н) 13-бандда:

биринчи хатбоши «беришлари ва ҳолатлар» деган сўзлардан кейин «ҳамда ишга тегишли ҳужжатларни тақдим этиши» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи хатбошидаги «иш жавобгар сифатида жалб қилинган шахс» деган сўзлар «иш аризачи ва жавобгар сифатида жалб қилинган шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

о) 25-банднинг биринчи хатбошисидаги «Марказда» ва «Марказнинг» деган сўзлар тегишли равишда «Агентликда» ва «Агентликнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

п) 26¹-бандда:

биринчи хатбошидаги «Марказ бош директори (Марказнинг» деган сўзлар «Агентлик директори (Агентликнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Марказ бош директори (Марказнинг» деган сўзлар «Агентлик директори (Агентликнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

р) 30-банддаги «Марказнинг» деган сўз «Агентликнинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

с) 32-банднинг биринчи хатбошисидаги «Марказ» ва «Марказнинг» деган сўзлар тегишли равишда «Агентлик» ва «Агентликнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

т) 37-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

«37. Агентликнинг (Агентлик ҳудудий органининг) қарори ёки кўрсатмасини ижро этган шахс, қарор ёки кўрсатма ижроси тўғрисидаги далилларни Агентликка (Агентлик ҳудудий органига) тақдим этади.»;

у) 41-банддаги «Марказнинг (Марказ» деган сўзлар «Агентликнинг (Агентлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ф) 42-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Марказ» ва «Марказга» деган сўзлар тегишли равишда «Агентлик» ва «Агентликка» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Марказ» деган сўз «Агентлик» деган сўз билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «Марказни (Марказнинг» деган сўзлар «Агентлики (Агентликнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

х) 47-банднинг биринчи хатбошисидаги «Марказ ва Марказнинг» деган сўзлар «Агентлик ва Агентликнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ч) 48-банддаги «Марказ» деган сўз «Агентлик» деган сўз билан алмаштирилсин.

3. Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг бузилишига доир ишларни кўриб чиқиш ва жазо қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга 1-иловада:

а) «Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази (Марказнинг» деган сўзлар «Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги (Агентликнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) «Бош директор (Марказнинг» деган сўзлар «Директор (Агентликнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг бузилишига доир ишларни кўриб чиқиш ва жазо қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга 2 — 4-иловаларда:

а) «Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази (Марказнинг» деган сўзлар «Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги (Агентликнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) «Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказининг (Марказнинг» деган сўзлар «Капитал бозорини ривожлантириш агентлигининг (Агентликнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) «Бош директор (Марказнинг» деган сўзлар «Директор (Агентликнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**775 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат
реестридан чиқариш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
7 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2206-1*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 2 октябрдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан **буюраман:**

1. «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва йиғиштириб олиш учун таълим муассасалари ўқувчилари ва талабаларидан фойдаланишда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни (рўйхат рақами 2206, 2011 йил 5 март) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил 2 октябрдаги 01/00-04/10-7603-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2011 йил 8 февралдаги 7-Б-сон «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва йиғиштириб олиш учун таълим муассасалари ўқувчилари ва талабаларидан фойдаланишда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2206, 2011 йил 5 март) давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 7 октябрда эълон қилинган.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 7 октябрь,
451-мҳ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**776 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат
реестридан чиқариш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
7 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 955-1*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 3 октябрдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан, **буюраман:**

1. Электр ва иссиқлик энергияси истеъмолчиларининг тариф гуруҳлари тўғрисидаги низомни (рўйхат рақами 955, 2000 йил 10 август) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг 2019 йил 2 октябрдаги 03-05-3064-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси энергетика ва электрлаштириш вазири томонидан 2000 йил 23 июнда 01-21/422-сон билан тасдиқланган Электр ва иссиқлик энергияси истеъмолчиларининг тариф гуруҳлари тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 955, 2000 йил 10 август) давлат реестридан чиқарилсин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 7 октябрда эълон қилинган.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириди.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 7 октябрь,
452-мҳ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**777 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат
реестридан чиқариш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
7 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1031-2*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 3 октябрдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан **бўйраман:**

1. «Ташкилотлар ва муассасалар томонидан ўз ходимларидан коммунал хизматлар учун ҳақни иш ҳақидан ушлаб қолиш кўринишида қабул қилиш

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 7 октябрда эълон қилинган.

тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорни (рўйхат рақами 1031, 2001 йил 15 май) Идора-вий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2019 йил 9 августдаги 17-25/373-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Идора-вий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Молия ва-зирлигининг 2001 йил 4 майдаги 189-В, 41-сон «Ташкилотлар ва муассасалар томонидан ўз ходимларидан коммунал хизматлар учун ҳақни иш ҳақидан ушлаб қолиш кўринишида қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тас-диқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1031, 2001 йил 15 май);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Молия ва-зирлигининг 2017 йил 19 мартдаги 189-В-1, 31-сон «Ташкилотлар ва муас-сасалар томонидан ўз ходимларидан коммунал хизматлар учун ҳақни иш ҳақидан ушлаб қолиш кўринишида қабул қилиш тартиби тўғрисидаги ни-зомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат ра-қами 1031-1, 2017 йил 13 апрель).

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идора-вий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув ки-ритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идора-вий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбе-кистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумот-лари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 7 октябрь,
453-мҳ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
САНОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

778 Юк кўтаргич (минора)ларни ўрнатиш ва улардан
фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига ўзгартириш-
лар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
8 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2313-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги ПФ-5594-сон «Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги соҳасида давлат бошқаруви ва назорати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2018 йил 12 декабрдаги ПҚ-4058-сон «Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаъри-ни геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2011 йил 30 ноябрдаги 268-сон буйруғи (рўйхат рақами 2313, 2012 йил 12 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 2-сон, 23-модда) билан тасдиқланган Юк кўтаргич (минора)-ларни ўрнатиш ва улардан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис в. б.

Б. ГУЛЯМОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 30 сентябрь,
20/ЮБ-41-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 8 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Саноат хавфсизлиги давлат
қўмитасининг 2019 йил 30 сентябрдаги
20/ЮБ-41-сон қарорига
ИЛОВА

**Юк кўтаргич (минора)ларни ўрнатиш ва улардан
фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. 10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Ташкилотларда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни текшириш ва ҳисобини юритиш Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сон қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.».

2. 31-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. 130-банддаги «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясида» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
САНОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

779 Ионлаштирувчи нурланиш манбаларини инвентаризациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 8-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 8 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2690-1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги ПФ-5594-сон «Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги соҳасида давлат бошқаруви ва назорати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 12 декабрдаги ПК-4058-сон «Ўзбекистон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 8 октябрда эълон қилинган.

Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаъри-ни геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2015 йил 10 июндаги 59-сон буйруғи (рўйхат рақами 2690, 2015 йил 26 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 25-сон, 336-модда) билан тасдиқланган Ионлаштирувчи нурланиш манбаларини инвентаризациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқ-номанинг 8-бандидаги «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис в. б.

Б. ГУЛЯМОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 30 сентябрь,
03/ЮБ-42-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

780 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
8 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1698-1*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 4 октябрдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 8 октябрда эълон қилинган.

«Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан **бюраман:**

1. «Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан республика ҳудудига товарларни ноқонуний равишда четдан олиб келиш, четга олиб чиқиш ҳамда этил спирти, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларининг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотларни ички ишлар идораларига тақдим этиш ва ягона марказлашган ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни (рўйхат рақами 1698, 2007 йил 19 июль) ўз кучини йўқотган деб топиш бўйича эътирозлар мавжуд эмаслиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2019 йил 10 июндаги 33/02-01/1595-сон, Олий судининг 2019 йил 13 августдаги 08/УМ-500-19-сон, Давлат хавфсизлик хизматининг 2019 йил 25 августдаги 35/2273-сон, Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 29 августдаги 17/2-25593-сон ҳамда Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 12 августдаги 04-03/22-01515-сон хатлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Олий суди, Миллий хавфсизлик хизмати, Бош прокуратураси, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 8 июндаги 12, УМ-72, 92, 68, 01-02/12-15, 2007-45-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан республика ҳудудига товарларни ноқонуний равишда четдан олиб келиш, четга олиб чиқиш ҳамда этил спирти, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларининг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотларни ички ишлар идораларига тақдим этиш ва ягона марказлашган ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1698, 2007 йил 19 июль) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 8 октябрь,
456-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**781 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат
реестридан чиқариш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
8 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 370-2*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 30 сентябрдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида газдан рўзғорда фойдаланиш қоидаларини (рўйхат рақами 370, 1997 йил 14 октябрь) ўз кучини йўқотган деб топиш бўйича эътирозлар мавжуд эмаслиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг 2019 йил 5 сентябрдаги 01/03-3231-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин:

Ўзбекистон Республикаси коммунал хизмат кўрсатиш вазири томонидан 1997 йил 11 сентябрда 92-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида газдан рўзғорда фойдаланиш қоидалари (рўйхат рақами 370, 1997 йил 14 октябрь);

Ўзбекистон Республикаси коммунал хизмат кўрсатиш вазири томонидан 1998 йил 16 декабрда 105-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида газдан рўзғорда фойдаланиш қоидаларига 1-сон ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 370-1, 1999 йил 11 март).

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 8 октябрда эълон қилинган.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 8 октябрь,
457-мҳ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

782 Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 8 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2465-7

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 июлдаги ПФ–5476-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3724-сонли қарори)»-ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 июлдаги 533-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисида низомини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 26 апрелдаги 9/1-сон қарори (рўйхат рақами 2465, 2013 йил 3 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 23-сон, 309-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 8 октябрда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 24 август,
21/8-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил
24 августдаги 21/8-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар
тўғрисидаги низомга киритилаётган қўшимчалар**

1. 7-банд «тўловларнинг учинчи шахслар (хўжалик юритувчи субъектлар) ҳисобидан ундирилишига йўл қўйилмайди,» деган сўзлардан кейин «товарларни (хизматларни) электрон тижорат орқали реализация қилиш ҳолатлари ва» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. 59-банд қуйидаги мазмундаги «д» кичик банд билан тўлдирилсин:

«д) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (бундан буён матнда Жамғарма деб юритилади) — Жамғарма маблағлари ҳисобидан тижорат агентларига («Ўзпахтасаноат» АЖ, «Ўздонмахсулот» АК, «Ўзагролизинг» АЖ, «Ўзмашлизинг» МЧЖ) ажратилган мақсадли маблағларни қайтариш бўйича мажбуриятлар тижорат агентлари томонидан бажарилмаган тақдирда, уларнинг банк ҳисобварақларига.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**783 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат
реестридан чиқариш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
10 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2770-1*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 9 октябрдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан, **буюраман:**

1. «Қонунга хилоф равишда муомалада бўлган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорни (рўйхат рақами 2770, 2016 йил 29 март) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил марказининг 2019 йил 8 октябрдаги 04-1037-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Наркотик моддалар устидан назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат комиссиясининг 2016 йил 22 мартдаги 13/16-сон «Қонунга хилоф равишда муомалада бўлган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2770, 2016 йил 29 март) давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 10 октябрда эълон қилинган.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирази.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 10 октябрь,
459-мҳ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**784 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат
реестридан чиқариш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
10 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 480-4*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 8 октябрдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхоналар томонидан чиқарилаётган алкогольли маҳсулотларни мувофиқлик белгиси билан маркалаш тартибини (рўйхат рақами 480, 1998 йил 24 август) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2019 йил 6 октябрдаги 06/4282-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин:

«Ўздавстандарт» бош директори томонидан 1998 йил 10 июнда тасдиқ-

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 10 октябрда эълон қилинган.

ланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхоналар томонидан чиқарилаётган алкоғолли маҳсулотларни мувофиқлик белгиси билан маркалаш тартиби (рўйхат рақами 480, 1998 йил 24 август);

«Ўздавстандарт» бош директори томонидан 1999 йил 18 мартда тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхоналар томонидан чиқарилаётган алкоғолли маҳсулотларни мувофиқлик белгиси билан маркалаш тартибига ўзгартиришлар ва қўшимчалар (рўйхат рақами 480-1, 1999 йил 12 май);

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2008 йил 28 апрелдаги 156-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган алкоғолли маҳсулотларни мувофиқлик белгиси билан тамғалаш тартибига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 480-2, 2008 йил 16 май);

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2016 йил 1 июндаги 315-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган алкоғолли маҳсулотларни мувофиқлик белгиси билан тамғалаш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 480-3, 2016 йил 27 июнь).

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идора-вий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 10 октябрь,
460-мҳ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

785 **Электр энергиясини сотишни бухгалтерия ҳисобида
акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгарти-
ришлар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
10 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2127-4*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сон «Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2010 йил 7 июлдаги 53, 2010-32-сон қарори (рўйхат рақами 2127, 2010 йил 31 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 31-сон, 263-модда) билан тасдиқланган Электр энергиясини сотишни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 11 сентябрь,
98-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 11 сентябрь,
2019-48-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 10 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ
қўмитасининг 2019 йил 11 сентябрдаги
98 ва 2019-48-сон қарорига
ИЛОВА

**Электр энергиясини сотишни бухгалтерия ҳисобида
акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. 2-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. ХЭТК электр энергиясини «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖдан электр энергиясини етказиб бериш шартномасига асосан олади. ХЭТК ҳар ойда Бюро ва «Худудий электр тармоқлари» АЖнинг тегишли вакиллари билан биргаликда электр тармоғининг баланс бўйича мансублик чегарасида ҳисоб-китоб даври учун электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари кўрсаткичларини ёзиб олади.

«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖдан электр энергиясини сотиб олиш бўйича операциялар ХЭТКнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:».

2. 6-банднинг биринчи хатбошисидан «(қуввати)» ҳамда «ва қувват» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

3. 9-банднинг биринчи хатбошисидagi «энергияси (қуввати)нинг» деган сўзлар «энергиясининг» деган сўз билан алмаштирилсин.

4. 12-банднинг «а» кичик банди учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«кредит 9020 «Товарларни сотишдан даромадлар» счёти — электр энергиясини истеъмолчи — юридик шахсларга, электр таъминотининг намунавий шартномасига мувофиқ тайёрланган ХЭТК ва истеъмолчи — юридик шахс ўртасидаги электр таъминоти шартномасига асосан ҳисобланган шартномадаги миқдор бўйича сотишдан олинган тушум суммасига;».

5. 19-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19. Ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилганидан 5 фоиздан ортиқ миқдорда электр энергияси истеъмол қилинганда, истеъмолчилардан (маиший истеъмолчилардан ташқари) электр таъминоти шартномасида кўрсатилгандан ортиқ истеъмол қилинган электр энергияси жами ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари миқдорида тўлов ундирилади.

Ҳисоб-китоб даври учун электр энергиясининг ортиқча олинган ҳажми, истеъмолчи — юридик шахснинг ҳисоботи билан ёки солиштириш далолатномаси билан тасдиқланган ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичлари бўйича аниқланади.».

6. 30-банднинг биринчи хатбошисидан, 33-банднинг биринчи, учинчи, олтинчи ва ўнинчи хатбошиларида «Ўздавэнергоназорат» ДИ тасдиқлаган» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

7. 34-бандда:

иккинчи хатбошидан «ва қуввати» деган сўзлар чиқариб ташлансин;
учинчи хатбошидаги «12» рақами «2» рақами билан алмаштирилсин.

8. 36-банднинг «а» ва «д» кичик бандларидаги «12» рақами «2» рақами билан алмаштирилсин.

9. 7-параграфнинг номидаги «энергия ва қувватларни» деган сўзлар «энергияни» деган сўз билан алмаштирилсин.

10. 40-банднинг биринчи хатбошисидаги «энергияси ва қувватини» ва «энергия ва қувватларни» деган сўзлар «энергияни» деган сўз билан алмаштирилсин.

11. 41-банднинг биринчи хатбошисидаги «энергия ва қувватларни» деган сўзлар «энергияни» деган сўз билан алмаштирилсин.

12. 42-банддаги «энергия ва қувватнинг иқтисодий қиймати, айнан шу соатларда реактив қувват ва (ёки)» деган сўзлар «энергиянинг иқтисодий қиймати, шунингдек айнан шу соатларда реактив» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

13. 43²-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«43². Республика истеъмолчиларига электр энергиясини сотишдан тушадиган маблағлардан (Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига асосан ажратиладиган мақсадли маблағлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг сув хўжалиги ташкилотлари томонидан электр энергия истеъмоли учун тўловлар ҳамда «Иссиқлик электр станциялари» АЖ, «Ўзкимёсаноат» АЖ, «Навий КМК» ДК ва «Олмалиқ КМК» АЖ корхоналаридан тушадиган маблағлар бундан мустасно) ажратмалар Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади ва ХЭТК бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:».

14. 44-банддан «ва қуввати» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

15. 45-банддан «Ўздавэнергоназорат» ДИ тасдиқлаган» ва «ва қуввати» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

16. 1, 2 ва 3-иловаларнинг «Кўрсаткичлар номи» устуни 2-позициясидан «(«Ўздавэнергоназорат» ДИ томонидан тасдиқланган)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

17. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги билан келишилган.

Энергетика вазири

А. СУЛТАНОВ

2019 йил 11 сентябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**786 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат
реестридан чиқариш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
10 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2189-2*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 7 октябрдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан, **буюраман:**

1. «Васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан етим болалар ва ота-она қарамовидан маҳрум бўлган болалар турар жойларининг сақланиб қолишини назорат қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорни (рўйхат рақами 2189, 2011 йил 28 январь) шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчани (рўйхат рақами 2189-1, 2015 йил 11 март) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2019 йил 2 октябрдаги 03-01/7-1164-сон, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил 30 сентябрдаги 01/00-04/17-7569-сон ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 25 сентябрдаги 11-3-07/4427-сон хатлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2010 йил 31 декабрдаги 46, 206-ҚҚ ва 29-сон «Васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан етим болалар ва ота-она қарамовидан маҳрум бўлган болалар турар жойларининг сақланиб қолишини назорат қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2189, 2011 йил 28 январь);

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 4 мартдаги 5-мх, 5-қ/қ, 23-сон «Васийлик ва ҳомийлик орган-

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 10 октябрда эълон қилинган.

лари томонидан етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар турар жойларининг сақланиб қолишини назорат қилиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2189-1, 2015 йил 11 март).

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 10 октябрь,
462-мҳ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

787 Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни
амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага
ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
10 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3113-3*

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 23 майдаги ЎРҚ–550-сон «Қурол тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ–5611-сон «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ–4079-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш тизимини яратиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси биомет-

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 10 октябрда эълон қилинган.

рик паспорт тизимини модернизация қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 4 мартдаги 2-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 3113, 2019 йил 4 январь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2019 й., 10/19/3113/2422-сон) билан тасдиқланган Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Ҳукумат баённома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Ҳуқуқий хизмат кўрсатишни давлат томонидан тартибга солиш бошқармаси ҳамда Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 5-банди Ўзбекистон Республикасининг «Қурол тўғрисида»ги Қонуни кучга кирган кундан эътиборан амалга киритилади.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А. Ташкулов зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 10 октябрь,
463-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2019 йил 10 октябрдаги
463-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга
ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 3-банд қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:
«хорижда доимий яшаётган ва консуллик рўйхатида турган Ўзбекистон фуқароларининг шахси — Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспорти»;»

еттинчи ва саккизинчи хатбошилар тегишли равишда саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

2. 41-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг 6-илоvasида кўрсатилган хорижий мамлакатлар фуқаролари:

Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида — 400 000 АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаган миқдорда;

Самарқанд, Бухоро, Наманган, Андижон, Фарғона ва Хоразм вилоятларида — 200 000 АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаган миқдорда;

Қорақалпоғистон Республикаси ва республиканинг бошқа вилоятларида — 100 000 АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаган миқдорда кўчмас мулкни сотиб олган тақдирда Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси талаб қилинмайди.».

3. 50 ва 51-бандларнинг олтинчи хатбошилари «доимий прописка қилинган» деган сўзлардан кейин «шахс томонидан камида уч йил лавозимда бўлганлиги муносабати билан кўчмас мулк сотиб олинаётган бўлса, ушбу» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

4. 65 ва 66-бандларнинг иккинчи хатбошисидаги «Ўздавтехназорат» деган сўз «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ҳузуридаги «Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази» давлат унитар корхонаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 116-банддаги «ички ишлар органларига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**788 Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижрочиларга етказиш ҳамда уларнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида тушунтириш бўйича намунавий «Йўл харитаси»нинг 3-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
10 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3011-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги ПФ–5400-сон «Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизими-ни тубдан такомиллаштириш ҳамда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишларини амалга оширишда унинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 12 майдаги 278-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 3011, 2018 йил 12 май) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.05.2018 й., 10/18/3011/1224-сон) билан тасдиқланган Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижрочиларга етказиш ҳамда уларнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида тушунтириш бўйича намунавий «Йўл харитаси» 3-бандининг Амалга ошириш механизми ва босқичлари устунидаги «Жаҳон» ахборот агентлигига» деган сўзлар «Дунё» ахборот агентлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Ҳукумат баённома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ва Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А. Ташкулов зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 10 октябрь,
464-мх-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 10 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2019 йил 5 октябрдан 11 октябргача
бўлган маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 12 сентябрдаги 2019-54-сон «Қимматли қорозлар бозори тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг бузилишига доир ишларни қўриб чиқиш ва жазо қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 7 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1131-8.

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 7 октябрдаги 451-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 7 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2206-1.

3. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 7 октябрдаги 452-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 7 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 955-1.

4. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 7 октябрдаги 453-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 7 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1031-2.

5. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 20/ЮБ-41-сон «Юк кўтаргич (минора)ларни ўрнатиш ва улардан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 8 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2313-2.

6. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 03/ЮБ-42-сон «Ионлаштирувчи нурланиш ман-

баларини инвентаризациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 8-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 8 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2690-1.

7. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 8 октябрдаги 456-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 8 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1698-1.

8. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 8 октябрдаги 457-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 8 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 370-2.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 24 августдаги 21/8-сон «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 8 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2465-7.

10. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 10 октябрдаги 459-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 10 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2770-1.

11. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 10 октябрдаги 460-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 10 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 480-4.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 11 сентябрдаги 98, 2019-48-сон «Электр энергиясини сотишни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 10 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2127-4.

13. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 10 октябрдаги 462-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 10 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2189-2.

14. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 10 октябрдаги 463-мх-сон «Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 10 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3113-3.

15. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 10 октябрдаги 464-мх-сон «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижрочиларга етказиш ҳамда уларнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида тушунтириш бўйича намунавий «Йўл харитаси»нинг 3-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 10 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3011-1.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва йиғиштириб олиш учун таълим муассасалари ўқувчилари ва талабаларидан фойдаланишда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2206, 2011 йил 5 март).

Адлия вазирининг 2019 йил 7 октябрдаги 451-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси энергетика ва электрлаштириш вазири томонидан тасдиқланган Электр ва иссиқлик энергияси истеъмолчиларининг тариф гуруҳлари тўғрисида низом (рўйхат рақами 955, 2000 йил 10 август).

Адлия вазирининг 2019 йил 7 октябрдаги 452-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлигининг «Ташкилотлар ва муассасалар томонидан ўз ходимларидан коммунал хизматлар учун ҳақни иш ҳақидан ушлаб қолиш кўринишида қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1031, 2001 йил 15 май), шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимча (рўйхат рақами 1031-1, 2017 йил 13 апрел).

Адлия вазирининг 2019 йил 7 октябрдаги 453-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Олий суд, Миллий хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан республика ҳудудига товарларни ноқонуний равишда четдан олиб келиш, четга олиб чиқиш ҳамда этил спирти, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларининг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ

хуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотларни ички ишлар идораларига тақдим этиш ва ягона марказлашган ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1698, 2007 йил 19 июль).

Адлия вазирининг 2019 йил 8 октябрдаги 456-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

5. Ўзбекистон Республикаси коммунал хизмат кўрсатиш вазири томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида газдан уй-рўзғорда фойдаланиш қоидалари (рўйхат рақами 370, 1997 йил 14 октябрь), шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимча (рўйхат рақами 370-1, 1999 йил 11 март).

Адлия вазирининг 2019 йил 8 октябрдаги 457-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

6. Наркотик моддалар устидан назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат комиссиясининг «Қонунга ҳилоф равишда муомалада бўлган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2770, 2016 йил 29 март).

Адлия вазирининг 2019 йил 10 октябрдаги 459-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

7. «Ўздавстандарт» бош директори томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхоналар томонидан чиқарилаётган алкогольли маҳсулотларни мувофиқлик белгиси билан маркалаш тартиби (рўйхат рақами 480, 1998 йил 24 август), шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимча (рўйхат рақами 480-1, 1999 йил 12 май), (рўйхат рақами 480-2, 2008 йил 16 май), (рўйхат рақами 480-3, 2016 йил 27 июнь).

Адлия вазирининг 2019 йил 10 октябрдаги 460-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

8. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан етим болалар ва ота-она қарамовидан маҳрум бўлган болалар турар жойларининг сақланиб қолишини назорат қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2189, 2011 йил 28 январь), шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимча (рўйхат рақами 2189-1, 2015 йил 11 март).

Адлия вазирининг 2019 йил 10 октябрдаги 462-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.